



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

АДОЛАТ

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 33 (1097) • 2016-yil, 12-avgust, juma

ҚОНУНИЙЛИК, АДОЛАТ ВА ОШКОРАЛИК

Фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоясининг кафолати бўлиши лозим

Мустақиллик йиллари ҳаётимизнинг барча соҳаларида фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилган кенг қўламли демократик ислохотлар натижаси ўлароқ турмуш сифати ва даражаси ўсди, мамлакатимиз қиёфаси тубдан ўзгарди ҳамда республикамизнинг иқтисодий барқарорлигига эришилди.

Шунингдек, ўтган 25 йиллик давр республикамизда мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватан тинчлиги ва осойишталиги, юрт ободлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш бўйича ўзига хос тарихий из қолдирди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, бу даврда мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш соҳаси, айниқса, унинг муҳим қисми ҳисобланган ички ишлар органлари тизимида ҳам кенг қўламли ва изчил ислохотлар амалга оширилди.

Ички ишлар идораларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётгани ва юқсак малакали, профессионал кадрларни тайёрлаш йўлига қўйилгани, шахсий таркибининг нафақат касб маҳорати, балки маънавий-маърифий, ҳуқуқий билимини ошириш борасида олиб борилётган чоратадбирлар соҳадаги ишлар самардорлигини оширмоқда. Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка

қарши курашишнинг замонавий усулларидан фойдаланган ҳолда жамоат ҳафсизлигини таъминлашнинг самарали тизими яратилгани юртдошларимиз хотиржамлигида намоён бўлмоқда.

Ушбу йўналишда амалга оширилган ислохотлар жараёнида бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, жамият ҳаётига татбиқ этилди.

2 >

> Соғлом турмуш тарзи йўлида бирлашайлик

СПОРТ —

миллат генофондини яхшилаш гарови

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши томонидан мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида ҳаваскор жамоалар ўртасида “Адолат” кубоги учун мини-футбол мусобақаларининг якуний республика босқичи ўтказилди.



Пойтахтимиздаги “Ешлик” спорт мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон мини-футбол федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон мини-футбол федерацияси

мутасаддилари, партия фоллари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Мусобақани кириш сўзи билан очган Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров истиклол йилларида мамлакатимизда ёшларни соғлом турмуш тарзи, оммавий спорт, жисмоний тарбия билан шуғулланишга кенг жалб этишга чуқур эътибор қаратиб келинаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

4 >



25 йил: МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



Юртимиз доврўғини оламга таратган улўғ алломалардан бири Муҳаммад ал-Марғинович “Назм ал-жамъи ал-кабир” асариди “Агар Фарғона водийси Турон ўлкасида тоғлар орасидан униб чиққан, барқ уриб очилиб, қизил ёноқларини офтобга тутган лоллага ўхшаса, Марғилон шаҳри лоланинг ёноғига қўнган бир томчи шабнам, яъни водийнинг марваридига монанд”, деб ёзади. Бу қиёснинг Марғилонга нисбатан берилиши бежиз эмас. Шаҳар ўзининг олис ўтмиши, тарихи, асрлар давомида намоён қилиб келган мафтункор, яшилликка, гўзалликка бурканган қиёфаси билан, бағрида халқимизнинг бекиёс миллий қадриятларини асраб келаётгани, тараққиети билан бу бағота муносиб эканлигини исботлади. Зеро, барча даврлар тарихчилари “Марғилон — Мовароуннаҳрдаги, Турон ўлкасидаги гўзал, аҳолиси кўп, ер-суви яхши, хунармандчилик ривож топган, Яратганининг назари тушган шаҳар”, деб эътироф этадилар.

5 >

ВОДИЙ МАРВАРИДИ



> КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК

Озод ва обод яшаш саодати

Маълумки, мустақиллик — эркин ва бахтли яшаш ҳуқуқи, шахсий, иқтисодий-ижтимоий ҳамда сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар рўёби, ҳар бир инсоннинг қонуний манфаатлари инъикосидир.

Биз собиқ тузум даврида ким эдик? Муаллим-устозларимиз, ота-оналаримиздан ўтган асрнинг ўрталарида инсонларга бўлган ўта шафқатсиз муносабатлар ҳақида, одамлар нон ўрнида кунжара, овқат ўрнида ўт-ўлан истеъмол қилганликлари, хотин-қизлар, айниқса, болалар оғир меҳнатларга мажбуран жалб қилинганлиги хусусида кўп эшитганмиз. Саксонинчи йилларда ҳам нонга муҳтожлик кўплаб оилаларда яққол сезилиб турганига ўзимиз гувоҳ бўлганмиз.

Хар сафар “Шахидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи ва у ердаги “Қатагон қурбонлари хотираси” музейига борганимда, унинг остонасига қадам қўйишим билан бутун вужудимни титроқ босади. Уша мудхш

қунар, кадр-киммати топталган эрқарвар, маърифатпарвар ота-боболаримизнинг таслим бўлмаган нигоҳи кўз ўнгимда гавдаланади. Музей атрофидаги гуллар Ватан озодлиги йўлида тик туриб жон берган аждодларимиз учун қўйилган гулчамбарни эслатади. Ичкарида эса халқимиз бошига ёғдирилган бало-қазолардан нишонлар, бир сўз билан айтганда, истибод зулмидан умри хазон бўлган, қатагон жабрини чеккан улўғ алломалар, арбоблар, маърифатпарвар аёнликлар, хунармандлар, оддий деҳқон ва ишчи ватандошларимизнинг шўро даврида қўрган кечинмалари, азоб-уқубатлари ўз ифодасини топган.

1991 йил 31 август. Тарих ўзани миллий тақдиримизда туб бурилиш ясади.

3 >

> “ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ” ТАМОЙИЛИ АМАЛДА

Очиқ маълумотлар портали

давлат бошқаруви органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлайди

Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти очиқлигини таъминлаш, жамоатчиликка бу борада аниқ ва ҳолис ахборот етказиб бериш юзасидан кенг қўламли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 августдаги “Очиқ маълумотлар тақдим этилиши ҳисобга олинган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида интернет тармоғида ахборотдан кўп мартаба, эркин ва бепул фойдаланиш имконини берувчи Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали доирасида Очиқ маълумотлар портали — www.data.gov.uz ишга туширилган.

Очиқ маълумотлар портали, унинг мақсад-моҳияти ва ижтимоий аҳамияти ҳамда бу борада мавжуд миллий ва халқаро тажриба хусусида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мухтассиси Шўхрат САТТОРОВ билан суҳбатлашдик.

6 >

ҚОНУНИЙЛИК, АДОЛАТ ВА ОШКОРАЛИК

Фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоясининг кафолати бўлиши лозим

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонунлари қабул қилиниб, жамият ҳаётига таътиб этилиши жамоат тартиби ва ҳафсизлигини таъминлаш фаолиятини қонун даражасида тартибга солишга хизмат қилди.

Мазкур қонунлар ижросини таъминлаш, шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ва ҳафсизликни таъминлаш соҳасидаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни самарали тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари ҳам муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Асосий мақсади – жамиятнинг террорчилик, кўпурвчилик хуружларидан, барча кўринишдаги экстремизм, уюшган жиноятчилик каби жиноий таҳдидлардан ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган тизимни шакллантириш, ички ишлар органларини шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва фуқаролар ҳафсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гаровига айлан-тириши назарда тутилган ҳолда олиб борилган бундай ислохотлар бутунлиги кунда ўз самарасини бермоқда.

Жумладан, 2015 йилда АҚШда фаолият кўрсатаётган Гэллуп институти томонидан "Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси" мавзусида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра Ўзбекистон дунёдаги 141 та давлат орасида 2-ўринни эгаллагани юртимизда тинч ва осуда ҳаётни асраш ва ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишларнинг халқаро эътирофидир.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза-сида халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини, энг асосийси, одамларимизнинг ҳаётдан ро-

зилигини, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлаш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини ҳисобга олган ҳолда, бу масала бундан буён ҳам эътиборимиз марказида туриши лозимлиги ҳақида сўз юритиб, ички ишлар органларининг қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усулларини аниқлаштириш, шу мақсадда алоҳида қонун қабул қилиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Шундан келиб чиқиб, мутасадди идоралар томонидан экспортлар ҳамда кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси

2015 йилда АҚШда фаолият кўрсатаётган Гэллуп институти томонидан "Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси" мавзусида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра Ўзбекистон дунёдаги 141 та давлат орасида 2-ўринни эгаллагани юртимизда тинч ва осуда ҳаётни асраш ва ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишларнинг халқаро эътирофидир.

ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди.

Қонун лойиҳасида ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолияти йўналишлари ва принциплари ҳамда уларнинг ваколат ва мажбуриятлари, шунингдек, ушбу идораларда хизмат ўташ тартиби ва шартлари, ҳодимларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси яхлит ҳужжатда мужассам этилаётганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Хўш, мазкур қонун лойиҳасининг долзарблиги, янгилиги нимада? Ушбу савол фуқароларни қизиқтириши табиий, албатта.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирда жамиятимизнинг барча соҳаларидаги ислохотлар ва Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлатни шакллантириш шароитларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари соҳасига дахл қилиш имконияти билан боғланган давлат органининг амал қилиши, фаолиятининг таркиби ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи алоҳида

қонун билан амалга оширилиши мумкин ва шарт.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси айнан шу мақсадга йўналтирилган бўлиб, у мазкур соҳани ҳуқуқий тартибга солишнинг хоржий ва миллий тажрибасини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида биринчи бор ички ишлар органлари ва унинг ҳодимларини давлат микёсида ҳуқуқий мақоми қонун даражасида мустаҳкамлашга, уларнинг ижтимоий зарурати ва аҳамиятини эътироф этишга қаратилган.

Мазкур ҳужжатнинг асосий йўналиши – ички ишлар органлари фаолиятини амалга ошириш вақтида фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган бўлиб, рес-

публика ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, ваколатлари, ишлар тамойиллари ва фаолиятининг асосий йўналишлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, чек қўйиш ва очиқдан иборат. Шу билан бирга, шахсларни ҳам қонуннинг ижтимоий ҳафсизлиги хуружлардан, ҳам ҳодимлар томонидан ички ишлар органларига юклатилган вазифаларни бажариш чоғидаги ғайриҳуқуқий ҳагги-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш кафолатланмоқда.

Қонун лойиҳасини тайёрлашга мамлакат ичда жамоат ҳафсизлиги ва ҳуқуқий тартибни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси суверенитетини таъминлашга алоқадор концептуал масалалар асос қилиб олинган.

Ички ишлар органларининг ижро ҳокимияти тизимидagi ўрни, уларнинг вазифа ва тамойиллари, мажбуриятлари, ҳуқуқлари, ўқотар қуролдан фойдаланиш тартибини белгилаш, қўллаш учун рухсат этилган махсус воситаларнинг му-

айян рўйхати, хизматга қабул қилиш ва уни ўташ тартибининг умумий шартлари ва қоидаларини белгилаш, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларига риоя қилишни кафолатлаш назарда тутилганлиги, ҳодимларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш чоралари, шунингдек, фуқаролар томонидан ички ишлар органлари ҳодимларининг қонуний ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартибининг мустаҳкамлаётгани қонун лойиҳасининг муҳим янгиликларидан саналади.

Шу билан бирга, "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон тарихида биринчи бор ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий мақоми ягона ҳужжатда тартибга солиди, ички ишлар органининг ташкилий тузилмаларини, жойини, жамият ва давлат олдидagi ролини белгилаб беради. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши билан келгусида фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги, ҳуқуқ ва эркинликлари, барча турдаги мулклар, жамият ва давлат манфаатларини жиноий ва бошқа ғайриҳуқуқий тажовузлардан ошқор-ҳуқуқий ҳимояси билан боғлиқ қатор ижтимоий муносабатларни юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат даражасида ҳуқуқий тартибга солишга эришилади.

Сўнгги йилларда ёшлар ўртасида ички ишлар органлари тизимидagi хизматни ўташ ва ишга киришга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганини инобатга оладиган бўлса, қонун лойиҳасида ички ишлар органларига хизматга қабул қилиш ва хизматдан бўшатилган билан боғлиқ хизмат муносабатларини тартибга солинаётгани, бу борада очиқлик ва ошқоралик

Энг муҳими, "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши соҳага доир қонун ҳужжатларини яхлитлаштириш орқали амалдаги тизимнинг фаолият самарадорлигини янада оширишга, жамоат тартибини сақлаш ва тинчлик-осойишталикнинг барқарорлигини таъминлашга, пироварида, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга, мамлакатимиз тараққиётини жадаллаштиришга хизмат қилади.

тамойиллари белгилаб қўйилаётгани ҳамда ички ишлар органлари ҳодимларининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган бир қатор нормалар мустаҳкамлаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳам ушбу тизимда хизмат қилишга бел боғлаган мард, жасур ва ватанпарвар ёшларнинг сафини янада кенгайтиришга, айни пайтда ички ишлар органлари ҳодимларининг ўз хизмат вазифаларини ташаббускорлик ва қийинчиликсиз бажаришига ўз ҳиссасини қўшиши, шубҳасиз.

Умуман, қонун лойиҳасида ички ишлар органлари фаолиятининг энг муҳим тамойиллари сифатида қонунийлик, бирлик, ҳуқуқни ҳурмат қилиш ва унга риоя қилиш, фуқароларнинг эркинлиги ва қонуний манфаатлари, очиқлик ва шаффоқлик каби умуминсоний кадриятлар мустаҳкамланган.

"Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг асосий мақсади Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар билан уйғунлигини инобатга олиб, яъни унинг жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва ҳафсизлигини, ижтимоий адолатни таъминлашдаги аҳамияти долзарб эканлигидан келиб чиқиб, фракцияимиз аъзолари томонидан концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ундаги айрим қамқчиликларни бартараф этиш, унда белгиланган ички ишлар органлари фаолиятининг асосий тамойилларини янада кучайтириш зарур, албатта.

Умид СУЛАЙМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

➤ ДЕПУТАТ АРАЛАШГАЧ

Партияимизнинг "Жамоатчилик назорати – қонун устуворлигининг гарови" лойиҳаси доирасида йўл инфратузилмасини ривожлантириш, йўлларни асраб-авайлашда фуқаролар, юридик шахсларнинг масъуллигини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилоят кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик.

Йўл ободлиги – фаровонлик ифодаси

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида партиянинг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари ташкилотчилигида мазкур лойиҳа доирасида 76 марта тартибот тадбирлари ўтказилди, партия депутатлари томонидан худудлардаги йўлларни таъмирлаш бўйича мутасадди ташкилотлар раҳбарлари номига 8 та депутатлик сўровлари киритилди.

Барчанинг диққатига сазовор бўлаётган ушбу лойиҳа доирасида Галлаорол туманида ҳам тизимли ишлар олиб борилмади – дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Нигора Бозорбоева. – Тумандаги "Лалмикор – Маржонбулок" йўналишидаги ички йўлни таъмирлаш юзасида туман Ободлаштириш бошқармаси раҳбари номига депутатлик сўрови киритилган эди. Бу масалани ушбу бошқарма мутахассислари батафсил ўрганиб чиқилди. Мазкур йўлнинг 2 километр масофасини таъмирлаш масаласи манзилли дастурга киритилди.

Шунингдек, халқ депутатлари Галлаорол туман Кенгаши депутати Рустам Баратовнинг "Маржонбулок" олтин бойитиш корхонаси ёнидан тумандаги "Гўбдин" ва "Тумсо" қишлоқларига бўлган ички автомобиль йўлини таъмирлаш масаласида туман Автомобиль йўллардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи номига киритилган депутатлик сўрови ҳам атрафлича ўрганиб чиқилди ва халқ этилиши лозим бўлган ушбу вазифа манзилли дастурга киритилди. Шу ўринда тегишли дастурларда белгиланган бу каби вазифалар ижроси депутатлар назоратида эканини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари фуқаролар ва юридик шахслар томонидан маҳаллалар ичдаги йўллар ҳолатига зарар етказиш, йўлларни бузиш, ўзбошимчилик билан қазиб ва қувурлар ёпиқиш каби қонунибузарлик ҳолатларига йўл қўйилишининг олдини олиш борасида жойларда тушунтириш ишлари олиб бориламоқда.

Хулоса қилиб айтганда, аҳоли фаровонлиги, соҳалар тараққиёти учун хизмат қилаётган йўлларни асраш, зарурат туғилганда, уларни таъмирлаш ва яхши сақлашни юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатилган эътиборимиз бермоқда.

Жасур ҚАРШИЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилоят кенгаши
мутахассиси

➤ ИНШОЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан келажагимиз эгаси бўлган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқаришга қаратилган қатор лойиҳалар ва чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда.

Ғолиблар тақдирланди



Партияимизнинг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб, олий таълим муассасалари талабалари ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Иншолар танлови" ҳам ана шундай тадбирлардан биридир.

Бухоро шаҳрида ташкил этилган байрам тадбирида мазкур танловнинг Бухоро вилояти босқичи ғолиблари тақдирланди.

Бу сингари танловларнинг уюшқоқлик билан ташкил этилаётганлиги ёшларда чуқур билим олиш, Ватанимиз тарихини ўрганишга интилишни кучайтиради, уларда фаол фуқаролар позициясини шакллантиришда ҳам ўзига хос омил бўлади, – дейди вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Дилбар Ҳамдамова. – Ёшларни мустақил фикрлайдиган инсон қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаракатчанлиги ва интилувчанлигини қўллаб-қувватлаш, истеъдоди камол топишига қўмаклашиш, ёшларни она Ватанга меҳр-мухаббат руҳида тарбиялаш мақсадида эришаётганимиз улар ёшган иншоларда ҳам яққол акс этмоқда. Бир нарсга аён, халқимиз ўз истеъдодли фарзандлари билан, улар эришаётган катта ютуқлар билан ҳақли равишда фахрланади. Бу эса ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти, истеъдодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш, рўёбга чиқариш билан боғлиқдир.

Танловнинг вилоят босқичи ғолибларига партия кенгаши томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Моҳигул АБДУЛЛАЕВА,
Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

➤ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Жорий йилнинг республика миқёсида "Соғлом она ва бола йили" деб номланиши аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш билан бир вақтда зиммаимизга катта вазифаларни юклади. Чунки аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий хизмат сифатини яхшилаш тиббиёт ҳодимларининггина иши эмас, бу борада бошқа қатор ташкилот ва муассасалар, кенг жамоатчиликнинг биргаликда иш олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Хусусан, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида бу йўналиш энг долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Шулардан келиб чиқиб, халқ депутатлари Марҳамат туман Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари бу вазифага алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Аввало, йил бошидаги биринчи йиғилишимизда амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинди. Хусусан, жойлардаги қишлоқ врачлик пунктлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ҳар бир депутатнинг ўз сайлов округи

Она соғлом бўлса жамият соғлом бўлади

худудда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишда фаоллик кўрсатиши, тегишли ташкилотларга қонуний тартибда депутатлик сўровлари киритиши назарда тутилди. Фуқароларнинг тиббий маданиятини юксалтириш ҳам энг долзарб вазифалардан бири сифатида қайд этилди.

Депутатлик гуруҳимиз аъзолари томонидан тумандаги мавжуд 27 та қишлоқ врачлик пунктларининг фаолияти ўрганиб чиқилди. Ушбу муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозлаш ва кадрлар малакасини оширишга эътибор қаратилди. Айниқса, "Ибн Сино", "Т.Мирзаев", "Қовунчи" ва "Истиқлол" қишлоқ врачлик пунктларида олиб борилган ишлар натижасида тиббий хизмат янада яхшиланиб, аҳолининг мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотларга бўлган ишончи ортиб бормоқда.

Тиббий хизмат борасида сўз борганда, жойлардаги патронаж ҳамширалар фаолиятини жонлантириш энг долзарб вазифалардан бири эканини

айтиб ўтиш ўринлидир. Чунки улар орқали ҳар бир оилга кириб бориш, ҳар бир фуқаро соғлиғидан хабардор бўлиш имконияти бор. Айниқса, она ва бола саломатлигини назорат қилиш, онада тиббий маданиятни юксалтириш орқали касалликларнинг олдини олиш мумкин. Шу сабаб бу борада маҳаллалардаги маслаҳатчиларнинг масъулияти оширилди. Она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган давра суҳбатлари, тартибот тадбирларида, биринчи навбатда, уй бекалари билан иш олиб борилди. "Соғлом она, соғлом фарзанд – жамият асоси", "Оилада тиббий маданият", "Шифокор билан бир кун" каби мавзуларда тайёрланган тарқатма материаллар кўпчиликлда қизиқини уйғотди. Туман партия кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган мониторинг давомида бу яққол кўзга ташланди.

Депутатлик гуруҳимиз ташаббуси билан ўтказилган "Саломатлигиниз ўз қўлингизда" акцияси доирасида тумандаги тувиш ёшидаги хотин-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Бунда айниқса, "Марҳамат", "Қора-

боғиш", "Шукурмерган" қишлоқларидаги ҚВПлар ҳодимлари фаол иштирок этишди. Тиббий кўрик давомида оилада соғлом турмуш тарзига риоя этиш касалликнинг олдини олишнинг асосий омилларидан бири эканлиги, шифокор қабули хусусида тушунчалар берилди. Тиббий кўрикда касаллик борлиги аниқланган 165 нафар тувиш ёшидаги аёллар соғломлаштирилди.

Айни вақтда сайловчиларнинг мурожаатлари асосида жойлардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, фуқароларнинг манфаатларини рўёбга чиқаришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, "Қорабоғиш" қишлоғида болалар учун бокс зали қурилиши ва "Шукурмерган" қишлоғида янги мактабгача таълим муассасаси барпо этишга қўмаклашишни режалаштирилди. Бу масалаларни ҳал этиш орқали ҳам сайловчиларнинг бизга бўлган ишончини оқлаймиз.

Сабина МАРАСУЛОВА,
халқ депутати Марҳамат туман
Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат"
СДП депутатлик гуруҳи раҳбари

Озод ва обод яшаш саодати

Давом. Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон беш тамойилли "Ўзбек модели" асосида қисқа вақт ичида ва бениҳоя мураккаб шароитда миллий тараққиёт ва ривожланиш йўлидан одимлаб, халқимизнинг буюк истёдоди ва омилкорлиги асосида иш тутиб, моҳият эътибори билан неча ўн йилликларга тенг келадиган юксалиш йўлини босиб ўтди, жаҳон ҳамжамияти сафларидан мустақкам ўрин олди, ривожланган мамлакатларнинг тўлақонли сафдошига айланди. Бундай муваффақиятларнинг бош омилли, аввало, давлатимиз сиёсатининг инсонийлик ва эъзулик тамойиллари билан уйғуланишидир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда истислол йилларида мустақил тараққиётимизнинг асосий мақсади ва моҳиятини очиб берувчи "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон", "Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият", "Инсон манфаати — ҳар нарсадан улур", "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун", "Ҳамма нарса — инсон учун, унинг келажаги учун" каби тамойилларни остида олиб борилаётган ислохотлар инсонни эъзолашга, кадр-қимматини оширишга, инсон манфаатларини химоя қилишга йўналтирилди. Айниқса, суд ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг тўла-тўқис мазмун-моҳияти инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилди.

Инсон ҳуқуқларини химоя қилувчи орган — судлов тизими мустақил ва бошқа тармоқларга боғлиқ бўлмаган ҳокимият сифатида эътибор этилди. Суд ҳокимиятининг янги тузилмалари вужудга келди. Давлатчиликнинг тарихида биринчи марта Конституциявий суд ташкил топди. Суд ҳокимиятининг таркибий қисми сифатида Олий ҳўжалик суди ва унинг кўйи бўғинлари шакллантирилди. Судлар ихтисослаштирилди ва жинойи жазолар либераллаштирилди.

Мамлакатда ўлим жазоси бекор қилинди. Қамокка олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Мол-мулкни мусодара қилиш, бадара, сурғун каби жазолар жинойт қонунчилигидан бутунлай чиқариб ташланди. Оқил судлов жараёнида халқимиз фазилатига мос бўлган кеңиримлик, танглик, мардлик, бағрикенглик сифатларини қамраб олган ярашув институти жорий этилди.

Иккинчидан, ватандошларимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилди. Фуқароларга ҳусусий мулк ҳуқуқи берилди. Пировардида тадбиркорлик, касаначилик, хунарандлик ривожланди. Халқимизнинг улкан яратувчилик қучқудрати, мислсиз бунёдкорлик салоҳияти тикланди. Одамларнинг яшаш шароити тубдан яхшиланди.

Дунёнинг ривожланган, иқтисоди бақувват мамлакатларида молиявий-иқтисодий инқироз босиб, ишчи ўринлари, ижтимоий химоя дастурлари қисқараётган, бунинг оқибатида кўпчилик муаммолар, норозилик кайфиятлари юзага келаятган бир пайтда, мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати йил сайин юксалиб, ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиши, одамларнинг даромади, харид қуввати тобора ошиб бораётгани кўпчилик мамлакатлар учун ҳавас қиладиган даражада десак, муболага бўлмайди.

Ўтган йигирма беш йиллик тараққиётимиз даврида мамлакатимиз иқтисодиёти 6 баробар ўсганлигини, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши кейинги йилларда муттасил 8 фоизни ташкил этаётганлигини, аҳолининг реал ялпи даромадлари жон бошига 9 баробардан ошганлигини бугун ким инкор эта олади.

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати юксалган сайин, албатта, халқимизнинг фаровонлиги ҳам ошиб бормоқда. Очирини айтиш керак, ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Ўзбекистон мустақилликка эришиб, ҳар томонлама тараққиёт этган бир мамлакатга айланади, унда турли русумдаги автомобиллар ва бошқа саноят маҳсуотлари ишлаб чиқарилади ва хорижга экспорт қилинади деса, кўпчилик ишонмасди. Бугун аҳолининг ҳар

учтасидан биттаси энгил автомашинага эга эканлиги бор ҳақиқат.

Ҳа, Ўзбекистон чорак аср ичида иқтисодиёти мустақкам ва барқарор мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллади. Санояти ривожланди. Автомобиль санояти ривожланган давлатлар сафига қўшилди. Пировардида, автомобилсозлик ва уларга бутловчи қисмлар тайёрлайдиган янги соҳалар, нефть ва газни қайта ишлайдиган, фармацевтика маҳсулотлари, замонавий телевизор ва компьютерлар, мобил телефонлар ва бошқа турли товарлар ишлаб чиқарадиган ва экспорт қиладиган янги саноят тармоқлари вужудга келди.

Яна шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, Давлат бюджети харажатлари таркибидан ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақланиб қолмаётганлиги ва бу харажатлар умумий харажатларнинг қарийб 60 фоизини ташкил этаётганлиги мамлакатда ижтимоий адолат тамойиллари нақадар ус-туворлигидан далолат беради.

Айниқса, аҳолининг соғлигини сақлаш, малакали ва замонавий тиббий хизмат турларини кенгайтириш борасида амалга оширилган ислохотлар, бажарилган ишлар кўлами нақадар катта эканлигини, унинг тўб моҳиятини бундан йигирма беш йил олдинги тиббий хизмат билан солиштирганимиздагина чуқурроқ англаб оламиз. Бугунги тиббий муассасалар, улардаги асбоб-ускуналар, лаборатория ва диагностика марказлари, малакали ва сифатли хизмат ҳеч қимдан кам эмаслигининг яна бир қарра исботидир.

Айниқса, таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган сай-харажатлар кенг қўламли ислохотларнинг бош ўзанига айланди ва бу борадаги ютуқлар нақадар бизни, хорижий мамлакатлар жамоатчилигини ҳам лол қолдирмоқда.

Мустақиллик шарофати билан 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумжабурий бепул таълим тизими жорий этилиши, бугунги кунда фарзандларимиз ўзининг меймон қиёфаси ва техник таъминотига кўра олий ўқув юртилардан қолишмайдиган замонавий касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар биноларида тахсил олаётганлиги, хорижий энг илгор олий ўқув юртилардан кам бўлмаган олий таълим муассасалари фаолият кўрсатаётганлиги, мамлакатимиз аҳолисининг саводхонлик даражаси 99,34 фоиздан ошганлиги дунёда энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Учинчидан, мамлакатда сиёсий барқарорлик таъминланди. Мустақилликимизнинг дастлабки кунлариданок собик тузумнинг партиявий яккахоқимлиги, зўравон компартия тизимига барҳам берилиб, демократик қадриятларга асосланган кўппартиявийлик тизими яратилди ва партиялараро соғлом рақобат учун кенг ва тенг шароитлар эшиги очилди.

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш, адолатли ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш, жамият ҳар томонлама либераллаштириш, давлат қурилишини демократлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи айнан сиёсий партиялар орқали амалга оширилиши қафолатланди.

Жамиятимизда кўпшартиявийлик тизими ривожланиши ва тобора мустақкамланиши натижасида жамиятнинг демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнининг жадал ривожланиши кузатилмоқда.

Айниқса, Конституциямизга киритилган кейинги ўзгариш ва қўшимчалар барқарор ривожланиб



Абдуқамол РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сиёсий Кенгаши раиси
ўринбосари

бораётган мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ўрнини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги, Бош вазирнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан хисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини эгаллаган сиёсий партия ёки тенг миқдорда энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган сиёсий партиялар томонидан тақлиф этилиши ҳақидаги конституциявий мейёрлар сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустақкамлади.

Шу ўринда ғурур билан айтиш мумкинки, қонунчиликнинг тақомиллашиши ва мамлакатимизда тинчлик-тотувлик, ахил-иноқлик ҳукм сураётгани, бунёдкорлик ишлари изчиллик билан давом этаётгани, барқамол авлодининг ижтимоий фаоллиги, буларнинг барча барчаси Мустақиллик шарофати-дир. Дунёнинг қўнғина мамлакатларида нотинчлик юз бераётган, қонли можаролар авж олаётган, бунинг натижасида тинч аҳоли жабр кўраётган, уй-жойидан, мол-мулкдан айрилди, бошпанасида, химоясиз қолаётган айни замонада, мамлакатимизда янги-янги корхоналар, катта-катта ишлаб чиқариш иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда, мухташам таълим-тарбия ва спорт саройлари, маданият ва санъат қосоналари қад ростламоқда, шаҳар ва қишлоқларимиз обод, йўлларимиз раво бўлиб, жаннатнонайд дегиримиз кун сайин гуллаб-яшнамоқда.

Мамлакатимизга таширф буюраётган меҳмонларини кўп қузатаман. Улар таниқли сиёсатдонлар, давлат ва жамоат арбоблари, олим ва мутахассислар, олдий, аммо кўпни кўрган сайёҳлар. Юртимиз меҳмонлари мамлакатимиздаги ютуқларни хайрат ва ҳавас билан кўриб, кеча ким эдигу бугун ким бўлганлигига қойил қолиб, ижобий хулосалар чиқармоқда. Бу хулосалар замирида "Ўзбек модели", "Ўзбекистон таъриби", "Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли" каби ҳаққоний тушунчалар ётади.

Албатта, Мустақиллик — миллат ҳаётида энг буюк воқелик, асрий орузларимиз рўёби. Уни мустақкамлаш, асраб-авайлаш, иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий асосларини тақомиллаштириш, жамият ҳаётини доимий равишда ривожлантириб бориш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилиш барчамизнинг фарзандлик ва фуқаролик бурчимиздир.

Шундай экан, биз теварак-атрофимизда терроризм, диний экстремизм, сепаратизм каби иллатлар таъсирида кечаётган хунрезликлар ҳамда тарихнинг аччиқ сабоғидан зарур хулосалар чиқариб, давлатимиз раҳбарининг огоҳлик ва ҳушёрликка чорловчи давлатларида дахлдор бўлиб, мустақилликни, мамлакатдаги тинч-тотув ҳаётни, миллатлараро ахил-иноқликни сақлаш учун масъуллигимизни унутмайлик. Зеро, мамлакат тинчлиги энг олий саодатдир.

Мустақилликимизнинг йигирма беш йиллиги арафасида орта назар ташлаган ҳар бир фуқаро орадан ўтган қисқа давр улкан ютуқлар даври бўлганлигига гувоҳ бўлади. Чунки қайси бир соҳага қараманг, ўзгариш, янгиланиш. Бу буюк ҳодиса тўғрисида миллий ўзлигимизга, ҳуқуқ ва эркинликларимизга, миллий армиямизга ва, энг асосийси, ўз тараққиёт йўлимизга эга бўлдик.

Томчида қуёш акс этганидек

Қишлоқда туғилиб ўсганман. Илгари туманимизда катта майдонга пахта экиладик. Болалар бочқасининг гулзорига қадар чигит қадалган. Ўзга сув бериш учун ариқлардаги ҳар қатра сув ҳисобда эди. Энг ачинарлиси, ўзимиз етиштирган неъматдан ўзимиз бебахра эдик. Фақат хомашё тайёрлайдиган юртда барақа бўлмаслигини мана энди тушуниб етдик.

Истиқлол шарофати билан мева ва сабзавотчиликка ихтисослашган туманлар ташкил этилди. Олтин қуёш тафтидан яшнаган боғларимизни, хилма-хил сабзавотларга бой экин майдонларимизни кўриб, қўнғимиз тодек кўтарилади. Мана, шундоқ яшаса, шундоқ меҳнат қилса бўлар экан-ку, дейман халқимизнинг босолмай. Айниқса, Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўлининг қурилиши ҳамюртларимизга катта имконият эшикларини очди. Эндиликда етиштирган мева ва сабзавот маҳсулотларини хорижга қулай, арзон ва сифатли бузилмасдан экспорт қилишга киришамиз.

Халқимиз эркин ва фаровон ҳаёт кечириб, янги-янги бунёдкорликларни амалга ошириш йўлидан бормоқда. Юртдошларимизнинг даромади ортгани уларнинг моддий таъминотига, қундалик турмуш тарзига ижобий таъсир кўрсатайти. Бугунги кунда мамлакатимиздаги онлавларнинг деярли барчаси музлаткичлар, 84 фоизи турли ошхона электр жиҳозлари, 63 фоизи кир ювиш машиналари, ярмидан кўпи компьютер, чапгоччи, микротўқилкич печларга эгаллиги, учдан бир қисми эса кондиционерлардан фойдаланаётганлиги тўқинчиликнинг яққол тасдиқи эмасми? Узингиз йўлинг, бундан 25 йил аввал мобил телефон, ноутбук, кабелли телевидение, сув иситиш бойлери, духовали электрпеч деган ашёлар ҳақида билмасдик. Ҳозир уларсиз рўзгоримизни тасаввур қилмаймиз. Мени қувонтирган нарсаси эса — мана шу ашёларнинг аксарияти ўзимиздаги корхоналарда ишлаб чиқарилайти. Истиқлол шарофати хонадонларда, томчида қуёш акс этганидек, кўришиб турибди.



Зухраҳон КОМИЛОВА,
халқ депутатлари Андижон вилоят
Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат"
СДП депутатлик гуруҳи раҳбари

Бугун қишлоқда фермер янги мулкдорга айланди. Шийпонинг атрофини гулзорга айлантирайти. Паррандачилик, асаларчилик, балнчилик дейсизми, барчасини удалаяйти. Ҳеч қандай ғов, тўсиқ йўқ. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва барча соҳада кенг қўламли ислохотларни амалга оширишга йўналтирилган «Ўзбек модели» тараққиётимизнинг энг тўғри йўли эканлигини ҳар бир юртдошимиз дилдан хис қилмоқда.

Бунга сайловчилар билан учрашуларда ҳам кўп бора гувоҳ бўламиз. Фуқароларни юрт тараққиёти ва истиқлол берган имкониятларга жавобан фаоллик, ташаббускорлик ҳисси билан яшаётганлиги қувонамиз. Улар билан мустақилликнинг асл мазмунини ва порлоқ келажакимиз ҳақида суҳбатлашши янада хушнудлик бағишлайди. Зеро, бундай юртда яшашнинг ўзи бир бахт.

Гулларга бурканаётган шахар

Иш юзасидан ва шахарда яшовчи фуқаро сифатида Қорақалпоғистон пойтахти — Нукус шахрининг обод кўчалари бўйлаб ҳар гал сайр қилар эканман, ҳар қадамда истиқлол мевалари саналган улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларининг гувоҳи бўлиб, қалбим чексиз фахр ва ифтихорга тўлади.



Раҳмет ИБРАГИМОВ,
халқ депутатлари Нукус
шаҳар Кенгаши депутати

Нукус бугун меҳридарё, қалби уммон, меҳнатқаш ва меҳмондўст халқимизнинг тинчлик ва тараққиёт йўлидаги интилиш ва изланишлари натижасида кундан-кунга замонавий қиёфа касб этаётган кўркам ва обод. Ҳар бир инсон қалбига гўзаллик туйғуларини ҳади қилаётган, гулларга бурканган гўзал кўчаларни бағрига жойлаган шахарга айланмоқда.

Айниқса, сўнгги икки-уч йил ичида жонанок Ўзбекистонимизнинг қадимий ва навқирон шахарлари қаторида Нукус шахрида ҳам замонавий шаҳарсозлик асосида катта қурилиш, архитектура ишлари амалга оширилди.

Шаҳар марказидан оқиб ўтувчи "Дўстлик" каналининг салкам 3 километрдан иборат иккала соҳилининг обод қилиниши натижасида хиебонлар ва боғлар, дам олиш масканлари барпо этилди, мусиқали фаввора-

лар аҳолининг ёнини исик қунларида дам олиши учун хизмат қилмоқда. Бу сўлим масканлар — истиқлолнинг обод манзилларида юртдошларимиз, бахтиёр ёшларнинг фаровон ҳаётимиздан мамнун эканликларини чуқур хис этиш қалбишгизга қувонч бағишлайди.

Шаҳримиз кўрқига яна ҳусн қўшиб турган "Қамолот" уйлари ёшларга бекиёе эътибор ва ғамхўрлик ифодаси бўлиб, навқирон авлодининг Ватан равнақи учун билим ва куч-ғайратини сафарбар этишга, юксак оруз-мақсадларини рўбига чиқаришга рағбатлантирмоқда.

Бугун Нукус шахрининг "Қорақалпоғистон", "Амир Темир", "Тўлабегаран Кайиббергенов" кўчаларида олиб борилаётган улкан яратувчилик ишлари, айниқса, 30 га яқин 3-4 қаватли замонавий турар жойларнинг қуриб битказилиши, кўча

барпо этилиши қорақалпоғистонлик ёшлар учун ҳақиқий байрам тўғриси бўлади.

Айни кунда шахарнинг экотизимини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам тахсинга сазовор.

Бир пайтлар шахарда ер ости сувларининг юқорилиги, тупроқ шўрланиши натижасида дарахт кўкартириш ва гул ўстириш анча қийин кечган бўлса, сўнгги 20-25 йил ичида шахарда ушбу муаммоларни маҳаллий аҳоли билан ҳамжиҳатликда ечиш йўлини кўриб чиқилди.

Шаҳарда ер ости дренаж тизими ишга тушини, ер юзасидаги тупроқни алмаштириш, оқова сув йўллари таъмирлаш натижасида бугун гулларга бурканган гўзал хиебонларни, кўча бўйларига ва замонавий билнолар атрофида, уй-хавилларда турли мева ва манзарали дарахтлар ва гулларни учратиш мумкин.

Амударё бўйида қад ростлаган навқирон Нукуснинг бугунгидек гўзал ва обод, кўркам шахарга айлантириш йўлида хизмат қилаётган ватандошларимизнинг меҳнати ана шу тарзда ўз самарасини бермоқда.

Юртимиз ёшларининг замонавий билимларни эгаллаши, соғлом ва юксак маънавиятли бўлиб воёга етиши, спорт билан шуғулланишлари мақсадида барпо этилган таълим муассасалари, спорт иншоотлари ҳамда улардаги зарур шарт-шароитларга бугун дунё жамоатчилиги катта қизиқиш билан қарамоқда.

Қўшработнинг янгиланаётган қиёфаси

Биргина туманимизда 6 та умумтаълим мактаби биноси янгидан қурилган бўлса, 51 та умумтаълим мактаби биноси капитал реконструкция қилиниб, яна бир қанчаси капитал таъмирланди. Бундан ташқари, Барқамол авлод болалар маркази, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, санъат мактаби замонавий тилда қад ростлаб, болалар ва ўсмирлар ихтиёрига топширилди.

Бир пайтлар фақат чорва учун мўлжалланган туманимизда бугун шахарлардагидан қолишмайдиган намунавий лойиҳалардаги уй-жойлар қад ростлаб, бозор расталари тўқини, тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар талаб ва тақлифларга мутаносиблиги ҳам аҳоли фаровонлигига хизмат қилапти.

Бир пайтлар халқимиз бирор жойга бориш учун ярим кунни йўл транс-порт машинасини кутти билан ўтказарган бўлса, бугун ҳар бир хонадонда энгил автомобиль, шунингдек, ҳар бир хонадонда замонавий телевизор, DVD, видео, компьютерлар бор. Тоғ ёнбағридаги чўпон қўлбалари электр чироқларидан нурафшон, оёқ етадиган манзилларнинг обод. Бу мустақиллик бизга инъом этган эркинлик,

фаровонлик, хотиржамликнинг мева-си эмасми?!

Ота-боболаримиз қишлоқ совуқ, зах, бунинг устига синиқ-ёрилган парталарда битта китобдан 3-4 киши бўлиб фойдаланиб дарс ўтган бўлса, бугун фарзандларимиз замонавий хоналарда замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда илм сирларини ўрганишмоқда. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида тахсил олиб, малака оширмоқда. Фарзандларимиз 9 йиллик мактаб таълимидан сўнг коллежларда турли касб-хунар сирларини ўрганиб, ҳаётга татбиқ этишмоқда.

Мустақиллик берган энг катта ютуқ, имконият нималардан иборат деганда мен ҳеч иккиланмай истиқлол одамларга бугунги ва эртанги кунга нисбатан ишончини, қўнғил хотиржамлигини қайтариб берди, деб айтган бўлур эдим. Чунки ишонч ва хотиржамлик бор юртда эркин меҳнат ва ташаббуслар қанот ётади. Ерга, мулкка, касбу қорига ва ниҳоят Ватанига нисбатан эгалик туйғуси қучаяди.

Қўшработда бугун шундай кўтаринки ҳолатни яққол хис этиш мумкин. 2 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти ўз мулкни эркин тасаруф этмоқда ва иқтисодиётнинг янги тар-



Абдуқамид ТҲҲАРАОВ,
"Адолат" СДП Қўшработ
туман кенгаши раиси

моқларини вужудга келтиришга ҳамда амалиётга жорий этишга интилмоқда. Шу тўғрисида туманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва табиий хомашё захираларини қайта ишлаш, жаҳон бозори учун рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш деярли 2 бараварга кўпайди.

Истиқлол йилларида туманимизда қурилиш, ободончилик қўлами бениҳоя кенгайди. Марказий истрохот боғи тубдан қайта қурилиб, чинакам дам олиш масканига айлантирилди. Туман ФХДё бўлими, "Маҳалла" хайрия жамоат фонднинг туман бўлими янги, замонавий бинога қўйиб ўтди. Аҳоли ўртасида янги турмуш маданиятини кенг тарғиб этиш мақсадида намунавий лойиҳа асосида кўркам уй-жойлар барпо этилди. Туман марказида йирик супермаркет қад ростлади. Ўйлаб километр масофадаги йўллар қайта таъмирланди. Соғлар устига янги, замонавий кўприклар қурилди.

Буларнинг барчаси одамларнинг фаровон турмуши, бахту иқболлини ўйлаб қилинаётган ишлардир.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижодиёти саройида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши ташаббуси билан "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган фотокўргазма ташкил этилди.



Чорак асрлик тарих акс этган кўргазма

Мазкур тадбир Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ўтказилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида вазирликлар, ҳокимликлар, давлат идоралари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, "Камолот" ЁИХ, партиянинг ҳудудий кенгашлари, сийёсий партиялар ва Экологик ҳаракат, бошқа ҳамкор ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Халқимиз ўртасида миллий қонуночилигимизни кенг тартиб қилиш, фуқароларда ватанпарварлик туйғусини юксалтириш, партия Сайловоди дастурининг устувор вазифаларини тарғиб қилиш, "Адолат" СДПнинг амалий ишларини кенг жамоатчилик кўз ўнгига акс эттириш фотокўргазманинг асосий йўналишларидан иборат. Унда мустақиллик манзаралари, истиқлол йилларида амалга ошириб келинаётган туб ислохотлар, мамлакатимизда эришилаётган ютуқлар борасидаги халқаро эътироф, партиянинг амалий ишлари фотосуратлар, хунармандчилик намуналари ҳамда ижодий ишлар орқали намойиш қилинди.

Кўргазманинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, партия Сийёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров сўзга чиқиб, йирилганларни яқинлаштириб келаятган энг элвур, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги билан кизгин муборакбод этди. Истиқлол йилларида халқимизнинг эришган ютуқлари, партияимизнинг сийёсий майдонда муносиб ўрин тошгани борасида сўз юритди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳар жиҳатдан гуллаб-яшнади, инсон манфаатларига хизмат қилувчи ислохотлар ўтказилди, сийёсий партиялар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Шу ўринда "Адолат" социал-демократик партиясининг Сайловоди дастуридаги роля ва вазифалар халқимиз оралиқларидаги ҳаммаҳанглигини таъкидлаш жоиз. Ушбу кўргазма ўтказишдан бош мақсад кенг жамоатчиликда истиқлол шукронаси туйғусини орттириш, таъсирчан ва сифатли



фотосуратлар орқали юрдошларимизда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришдан иборатдир.

Кўргазма экспонатларида 25 йил давомида Ўзбекистондаги ўзгаришлар, асосий ва муҳим ислохотлар, жумладан, бинолар қурилиши, йўллар таъмирланиши, сайлов, таълим, соғлиқни сақлаш тизимидаги ютуқлар акс эттирилди.

Кўргазмада партиянинг барча тузилмалари фаолияти кенг қамраб олинганлиги билан аҳамиятлидир. Фотосуратлар ва ижодий ишларда партиянинг тарихи ва бугуни, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдаги

ўрни, Сийёсий Кенгаши, куйи палатадаги фракцияси, "Аёллар қаноти", "Ёш адолатчилар" қаноти, бошланғич партия ташкилотлари фаолияти, партиянинг сайловлардаги иштироки, дастурий вазифаларига мувофиқ олиб бораётган амалий ишлари акс этган. Унда "Адолат" СДП Қорақалпоғис-



тон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари алоҳида бўлимларга ажралган ҳолда қатнашиб, ҳар бир ҳудудий кенгаш соғлом рақобат асосида ўз фаолиятини намойиш этди. Ҳудудий кенгашлар вакиллари иштирокчиларга ҳар бир ҳудуд мисолидаги бунёдкорлик намуналари, амалий ишлар акс этган фотосуратлар ва партиявий ташаббусларини тақдим этди.

Кўргазма залини айланар экансиз, ҳар бир ҳудудга аталган бўлимларда байрам шукуҳи баланд эканига гувоҳ бўласиз. Вилоятлар ўз имконият ва салоҳиятларидан келиб чиққан ҳолда, нафақат партиявий фаолият, балки мустақил юрт манзараларини миллийликка асосланган ҳолда тақдим этдилар. Масалан, партиянинг Самарқанд вилоят кенгашига тегишли бурчакда "Адолат" СДП рамзи туширилган гилам, худди шундай касаначилик маҳсулотлари, истиқлол ёшини ифодаловчи 25 рақами тасвирланган кашталар, соат, кўза, чойнак-пиёла, лаган ва ликопчалар иштирокчиларнинг эътиборини тортди. Дунёга донғи кетган Самарқанд ноинга "Ўзбекистон", "Мустақиллик", "Адолат" сўзлари ила нақш берилгани ҳам диққатга молик. Кўргазмадан вилоят кенгаши кўлга киритган диплом ва сертификатлар ҳам ўрин олган.



— Сўнгги йилларда партиянинг Самарқанд вилоят кенгаши фаолиятида сезиларли ўсишлар кузатилади, — дейди Тайлоқ туман партия кенгаши раиси Нилуфар Акрамова. — Сафдошларимиз сони ошди, депутатларимиз, айниқса, маҳаллий Кенгашда ёш ва истеъдодли депутатларимиз кўпайди. Жойларда кенг жамоатчилик билан иш олиб борар эканмиз, "Адолат" СДПнинг нуфузи борган сари юксалаётганига амин бўламиз. Самарқанд вилоят партия кенгашининг мустақиллигимизнинг 25 йиллик тантанасига тайёргарлиги катта. Жумладан, Тайлоқ туманида истеъ-

— Сўнгги йилларда партиянинг Самарқанд вилоят кенгаши фаолиятида сезиларли ўсишлар кузатилади, — дейди Тайлоқ туман партия кенгаши раиси Нилуфар Акрамова. — Сафдошларимиз сони ошди, депутатларимиз, айниқса, маҳаллий Кенгашда ёш ва истеъдодли депутатларимиз кўпайди. Жойларда кенг жамоатчилик билан иш олиб борар эканмиз, "Адолат" СДПнинг нуфузи борган сари юксалаётганига амин бўламиз. Самарқанд вилоят партия кенгашининг мустақиллигимизнинг 25 йиллик тантанасига тайёргарлиги катта. Жумладан, Тайлоқ туманида истеъ-

додли ёшлар, спортчилар, санъаткорлардан иборат тарбият гуруҳи тузилган бўлиб, аҳолининг турли қатламлари иштирокида учрашувлар ўтказилди. Ўқув йили аввалида академик лицей ва коллежларда "Адолат" соатлари" ташкиллаштиришни режалаштириб қўйди.



Фотокўргазмада Бухоро вилоят партия кенгашининг иштироки ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ топилди. Махсус бўлимдан ўрин олган мис қандакорлиги буюмлари, зардўзлик, каштадўзлик, хунармандчилик маҳсулотлари, Бухорода тайёрланган ўзига хос ширинликлар иштирокчиларни хушнуд этди.

— Юртимиз бўйлаб байрамона кайфият кезиб юрган айни паллада бизнинг партия ташкилотимиз ҳам айёми муносиб кутиб олиш ниятида, — дейди Бухоро вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Зухро Мирзохамдамова. — Масалан, байрам арафасида сайл ўнгитиб, халқимизни турли спорт ўйинлари ўтказиш, миллий урф-одатларини тараннўс этиш, болажонлар учун ўйингоҳлар ташкил этиш орқали шод этиш ниятидамыз.

Тошкент вилоят партия кенгашининг тақдими ҳам кўргазма меҳмонларини бафрак қолдирмади. Унда партия ташкилоти томонидан чоп этилган китоблар, кўргазмалар курашлар, маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан ҳар олти ойда берилган ҳисоботлар жамланган альбом ўрин олган. Карвинг санъати асосида тарвузаларга "Мустақиллик" ва "Адолат" ёзувлари, "25" рақами ҳамда партия рамзи — атиргул тасвири туширилгани, атиргул шаклида тайёрланган қандолат маҳсулотлари иштирокчиларнинг кизиқишини уйғотди.

Умуман олганда, кўргазмада ҳар бир ҳудудий кенгаш муносиб иштирок этди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Фарғона, Хоразм вилоятлари кенгашларининг тақдирлари юксак савияда, сермашаққат меҳнат, ижодий ёндашув эвазига ташкил этилган иштирокчилар томонидан эътироф этилди.

Ушбу кўргазма доирасида ҳулис-лар даврасида кизикarli ўйинлар, викторина саволларидан иборат беллашувлар уюштирилди, голиблар тақдирланди. Айниқса, Хоразм вилояти кенгашининг махсус совғалари — "Адолат" дўпписи" учун, партиянинг "Адолат" билимдонини" вимпели учун ўтказилган танловлар жуда кизикarli ўтди. Шу ернинг ўзига танлов голиблари партияга аъзо бўлиш истagini билдириб, ариза топширишди.

Кўргазмадан ўрин олган фотосуратлар профессионализм ва ғоявий жиҳатдан сифатли эканлиги мутахассислар, экспертлар ва меҳмонлар томонидан кайд этилди.

Дурдона АЛИМОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
матбуот сивмати ходими

СПОРТ

миллат генофондини яхшилаш гарови

Давоми. Бошланғич 1-бета

Кайд этилганидек, мамлакатимизда ёш авлоднинг пухта билим олиши, касбуна ҳур ўрганиши, спорт, санъат билан шуғулланиши, уларнинг ҳар жиҳатдан етук ва баркамол бўлиб воияга етиши учун барча шароитлар яратиб берилган. Хусусан, юртимизнинг чекка-чекка қишлоқларида ҳам спортни ривожлантириш, ёшларимизнинг соғлом ва баркамол уни-ўсишларини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Айниқса, ҳар бир билим масканида замонавий спорт мажмуалари барпо этилганлиги, ёшларнинг спортга бўлган ҳавас ва кизикишларини ошириш, спорт билан шуғулланишлари учун яратиб берилган кенг имкониятлар самараси ўларок, улар ўз салоҳиятларини тўлақонли намойиш этмоқдалар.

Ўтган йилларда республикамизда спорт ўйинларининг тўлақонли ривожланиши учун барча шароитлар яратилиб, соғлом авлодни шакллантириш ва тарбиялашнинг ўзига хос миллий модели вужудга келди. Болалар, ўсмирлар ва ёшларни спортга жалб этиш борасида тўлиқ қамровли тизим яратилди. Хусусан, уч босқичли спорт ўйинлари — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", ва "Универсиада" — бунга яққол мисол бўла олади.

Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурига асосан ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, ичкүр билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдирини ва келажак учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш, давлат ва жамиятнинг куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг миқёсдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилиши қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани

янада такомиллаштириш, янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш бўйича белгиланган чора-тадбирларга мувофиқ янги таҳрирда ишлаб чиқилган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кенг муҳокама қилинмоқда.

Умуман олганда, бугун нафақат ёшлар, балки аҳолининг кенг қатлами орасида спортни тарғиб қилиш, ҳаваскор жамоалар ўртасида спортнинг турли йўналишлари бўйича мусобақалар ташкил қилиш ҳам анъанага айланиб бормоқда.

"Адолат" кубоги учун мини-футбол мусобақаси ҳам Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ташкил этилди. Ҳаваскор жамоалар ўртасида ўтказилган мазкур мусобақадан қўланган асосий мақсад аҳоли, айниқса, ёшларда спортга бўлган ҳавас ва интилишни кучайтириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш орқали жамиятимизда соғлом турмуш тарзи таъминларини қарор топтириш, ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини қамол топтиришга қаратилган.

Мазкур мусобақанинг минтақавий босқичлари Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг ҳудудий кенгашлари ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг ҳудудий бўлимлари томонидан ташкил этилди.

Ёрмат ХОЛИЯРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— Спорт ва соғлиқ бир-бирини тақозо этувчи муҳим тушунчалардир. Соғлом ёшлар ҳар қачон, ҳар ерда ўз фикрига, соғлом мулоҳазасига эга бўлади, халқ ва давлат манфаатини ҳимоя қилади.

Жойларда спортни ривожлантиришга нафақат ижроия ҳокимият органлари, балки давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ҳам ҳалқ этилаётгани халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиялар фаолиятига ҳам катта масъулият юклатилди.

Бугун ушбу жараёнларда жамоат ва подавадат нотижорат ташкилотларининг, хусусан, аҳолининг кенг қатлами билан бевосита ишлайдиган сийёсий партияларнинг ҳам фаол иштироки жуда муҳим. Энг муҳими, биз, «Адолат» СДП аъзолари ҳам ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бўлган нақирон авлодни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг фаровон келажакини барто этиш, интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялаш борасида дастуриямал сифатида хизмат қилувчи давлат дастурлари ва қонунилар ижросини таъминлашда фаол бўлишимиз, жойлардаги бошланғич партия ташкилотларимиз ёрдамида болалар спортини ривожлантиришга ҳисса қўлишимиз, уларнинг бугун соғлом турмуш тарзига риоя қилишлари эртанги кунда, албатта, ўз самарасини беражамини тинимсиз тарғиб қилишимиз лозим.

Истиқлолимиз айёми муносабати билан ўтказилган мазкур мини-футбол мусобақаси ҳам айни мақсадлар йўлида партиядошларимизнинг амалий ишлари сирасига қиради.

нидан жойларда шакллантирилган жамоалар ўртасида юқори савияда ташкил қилинди.

Мусобақанинг республика босқичида Тошкент, Наманган, Қашқадарё, Хоразм, Сирдарё ҳамда пойтахт жамоалари ўзаро куч сынашишди. Жамоалар ўртасидаги ҳар бир учрашув кизикarli, дўстона ва

байрамона кайфиятда бўлиб ўтди. Икки гуруҳга бўлиниб кураш олиб борган жамоалар орасидан Сирдарё ва Наманган вилояти жамоалари финалда ўзаро беллашди. Аҳамиятли жиҳати, ушбу учрашувда тошабинлар ҳаётий тажриба ва ёшлик шижоатининг

байрамона кайфиятда бўлиб ўтди. Икки гуруҳга бўлиниб кураш олиб борган жамоалар орасидан Сирдарё ва Наманган вилояти жамоалари финалда ўзаро беллашди. Аҳамиятли жиҳати, ушбу учрашувда тошабинлар ҳаётий тажриба ва ёшлик шижоатининг

байрамона кайфиятда бўлиб ўтди. Икки гуруҳга бўлиниб кураш олиб борган жамоалар орасидан Сирдарё ва Наманган вилояти жамоалари финалда ўзаро беллашди. Аҳамиятли жиҳати, ушбу учрашувда тошабинлар ҳаётий тажриба ва ёшлик шижоатининг



Фарход ИШАНКУЛОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши Марказий ашарати бўлим бошлиғи:

— Дарҳақиқат, жамият тараққиётини янги босқичга кўтариш, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол ёшларни тарбиялаш ва уларни ижтимоий фаоллик асосида спортга жалб этиш нафақат оила, маҳалла ёки таълим муассасалари, балки фуқаролик жамияти институтларининг ҳам долзарб вазифаларидан бири саналади. Зеро, мамлакатимизнинг келажакда ёш авлодга, уларнинг жисмонан соғлом, маънавий ва баркамоллигига боғлиқ. Қолаверса, аҳоли ўртасида спорт билан шуғулланишни омаллаштириш миллият генофондини яхшилашга хизмат қилади.

Шундай эзгу мақсадларни қўлаб ташкил этилган "Адолат" кубоги учун ҳаваскор жамоалар ўртасида мини-футбол мусобақасини ўтказиш ташаббуси барча даражадаги партия ташкилотларимиз ҳамда фаолларимиз томонидан қизгин қўлаб-қувватланди. Ўз навбатида, ушбу ташаббус жойларда спортсевар ёшлар, ҳатто фахрийларнинг ҳам қизиқишига сабаб бўлди.

Мусобақанинг биринчи босқичи республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида маҳаллалар, меҳнат жамоалари, ёшлар, партияимиз аъзолари ва фаоллари орасида ташкил этилган ҳаваскор жамоалар ўртасида бўлиб ўтди.

Иккинчи, яъни ҳудудий босқичда эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кўйи босқичда маҳорат кўрсатган ўйинчилардан иборат терма жамоаларни шакллантиришди. Бу эса яқиний республика босқичи ўйинларининг шиддатли ва қизиқarli бўлишини таъминлади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу мусобақа ҳақиқий спорт байрамига айланди ва ўйламанки, биз бу орқали олдимизга қўйган мақсадимизга эришидик.

Жаббор ҚУЛИЕВ, Сирдарё вилояти жамоаси сардори, "Адолат" СДП фаоли:

— Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда биз, ёшларнинг спорт билан шуғулланишимиз учун барча шароитлар яратилган. Ҳатто, чекка қишлоқларида ҳам замонавий спорт мажмуалари, айниқса, мини-футбол майдонлари бунёд этилаётгани спорт билан мунтазам шуғулланишимизга катта имкон бермоқда.

Мен ҳам маҳалладошларим, партиядошларим билан бўли вақтларимда мини-футбол ўйнаб тураман. Партияимиз томонидан мини-футбол бўйича республика мусобақаси ташкил этилаётганини эшитиб хурсанд бўлдим. Жамоамиз билан туман босқичида голиб бўлганимиздан кейин бошқа туманлардаги маҳоратли тенгдошларимиз ҳисобидан сафимизни кучайтириш ва минтақавий мусобақада Жиззах ва Самарқанд вилояти жамоаларини мағлуб этиб, республика босқичига чиқдик. Оқибат, мусобақанинг финал босқичи биз кутганимиздан ҳам шиддатли ва муросасиз баҳсларга бой ўтди.

Албатта, биз профессионал спортчи бўлмасак-да, республика даражасидаги мусобақада иштирок этиб, бошқа вилоят жамоалари билан куч сынаганимиз ва улар билан дўстлик ришталарини боғлаганимиздан мажнунми. Айниқса, ушбу мусобақа Ватанимиз мустақиллигини қўтлуғ тўйи муносабати билан ўтказилгани ва унда бош соғирини қўлга киритганимиз бизга гурур ва ифтихор туйғусини башилади.

Илбс САҲАТОВ,
"Адолат" мухбири

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Фарғона водийсининг тарихи қадимий Косон, Кува, Ахсиқент, Эйлтон, Қайроғоч, Қуйиктепа, Далварзинтепа, Қорадарё шаҳарлари, Симтепа, Арктепа, Миктиқурғон каби масканлар харобалари тисмолида намоеён бўлади. Бугунги Марғилон бағрида олис қадимият изларини кўрсатувчи қўхна обидаларни, архитектура ёдгорликларини учратиш қийин. Лекин археологларнинг XX асрнинг охириги беш-олти йили ичида бу ерда олиб борган қазилма ишлари ўз самарасини берди. Марғилон остидан 20-25 гектарга тенг қадимий шаҳар ва шаҳар ҳукмдорларининг қароргоҳи, саройлари харобалари излари топилди. Шаҳарнинг яна бир қисмидаги археологик қазилмалар натижасида зардуштийларнинг ибодатхонаси ва олов доимо ёниб турган оловхоналари, меҳроб қолдиқлари ўринлари аниқланди.

Бу ердаги 30 дан ошмиқ археологик ёдгорликлар туфайли ҳунармандлар маҳалласи ўрни белгилаиб, улардан топилган тош, бронза, мис ва темирдан ясалган буюмлар, сопол идишлар, қизил ангоб бериб ишланган хум ва кўзалар, хар хил хайкалчалар ўрганиб чиқилди. Натижада буларнинг ҳаммаси эраиздан олдинги II ва милодий I асрларга оидлиги тасдиқланди. Зеро, 3-4 минг йиллик қадимиятга доир икки бошли илон акси туширилган тош тумор, сакларнинг бронзадан ясалган 2,5 минг йиллик тарихга эга қозони, қадимий лашкарларнинг тасвирлари топилган водий заминидан Марғилон билан боғлиқ бу ноёб осори-атикаларнинг қазиб олиниши табиий эди.

— Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги муносабати билан унинг ўндан ортиқ жойида археологик қазилма, илмий тадқиқот ишлари олиб борилди, — дейди археолог Мухаммадҷон Исомиддинов. — Барча нукталарда кеска тарих изларига дуч келиди. Айниқса, шаҳарнинг қарбий қисмида тарихий иншоотлар қолдиқлари кўпроқ топилди. Бир жойда бошқа иморатларга нисбатан юксак платформа устига қурилган уйнинг деворлари қолдиқлари саклаиб қолган экан. Уй ниҳоятда катта бўлган. Унинг атрофида ноёб ашёлар, буюмлар намуналари сочилиб ётарди. Уйнинг пойдевор асоси ҳам бошқаларига нисбатан мустаҳкам эди. Шу сабабли уни шартли равишда ҳукмдорлар саройи деб белгиладик. Ҳукмдорлар саройининг қурилиш санаси 20 асрдан кам эмасди. Ана шунинг ўзи ҳам шаҳар ёши ҳақида аниқ маълумот беради. Умуман, Марғилонда шаҳар бир жойда барпо этилган. Натижада эски шаҳар устида янги шаҳар қад ростлаб бораверган. Шунинг учун унинг қадим тарихи замонавий шаҳар остига қўшилиб кетган.

Марғилон сўзининг келиб чиқиши ҳақида хар хил ривоятлар, маълумотлар мавжуд. У битикларда Марғилон, Марғинон, Мурғинон шаклларида ёзилган. “Тарихи Фарғона” ва “Шайбонийнома” асарлари муаллифлари Марғинон шаҳри номи мурғ ва нондан олинган, яъни ҳукмдор ҳузурига товуқ ва нон кўтариб чиққан одамларнинг илтифотида биноан Мурғинон атала бошланган, деган афсонани келтирадидилар. Этнограф олимлар Марғинон сўзи марғ—майсазор, ўтлоқ, яйлов жой маъносини аниқлади, деб изоҳлайдилар. Муаррих Ибрагим тарихий асарига “Фарғона водийси ҳудудларида 2000 йиллар муқаддам муғлар яшаганлар. Улар шаҳарлар барпо этганлар”, деб ёзади. Агар шундай бўлса, Марғинон Муғиноннинг ўзгарган шакли эмасмикан? Сўз таркибидаги “ғино” бойлик, муқдорлик, “ино” эса кўза, хум мазмунини аниқлаган. Демак, бундан Марғинон муғ халқининг бой ҳунармандлари яшаган макон маъносини аниқлади, дейиш мумкин. Хуллас, шаҳар қандай номланмасин, номи қандай мазмунни билдирмасин, бир нарса — унинг 20 асрдан ошмиқ тарихга эга эканлиги аниқ эди.

Марғилон тарихида ҳунармандлар шаҳри сифатида ҳам донг таратган. Хитойликлардан ипақ етиштиришни ўзлаштириш ва уни дунёга ёйиш ҳам ана шу шаҳар тарихи билан боғлиқ. Шаҳар музейида сақланган келатган қорайиб кетган ипақ мато парчалари ҳам, урчуқлар қолдиқлари ҳам олис ўтмишдан гувоҳлик беради. Бу ерда тайёрланган ипақ матолар дунё бозорларида ниҳоятда эъзозланган. Аллома Шамсиддин Табризий “Марғилоннинг бир қўйлаклик шойиси Исфохоннинг бир йиллик даромадига тенг” деб ёзган эди. Дарвоқе, тўқимачилик ва ипақ тўқиш саноти — дастгоҳлар ҳам илк бор шу шаҳарда пайдо бўлган. Бу ерда ҳунарнинг бирор тури йўқки марғилонликлар шуғулланишмаган бўлсин. IX асрдан Марғилонга келган Хитой тарихчиси Чжан Хуи шаҳарда ҳунармандчиликнинг 60 дан ошмиқ тури мавжудлиги ҳусусида маълумот беради. Дегрзе, жибаичи, баҳмалбоф, бужун, заргар, тубриз, чакасоз, тикувчи, чигтар, найчасоз, қандакор, қуллоқ... яна қанча ҳунармандлик турлари бу ерлик аҳолининг фаолияти асосига айланган. XV асрдан кейин шаҳарда ҳунармандчилик янада юксалган.

Эндилкида бу ҳунарларнинг барчаси қайтадан тикланди. Нафақат тикланди, балки ҳунармандчиликнинг янги турлари ҳам пайдо бўлди. Бугун марғилонликлар орасида “чор ҳунар” деган атама мавжуд. Бунинг маъноси шунки, шаҳардаги хар бир ҳунарманд камиди тўртта ҳунарни билиши, эгаллаши зарур. Ҳунарманднинг етуқлик даражаси бир жихатдан ана шу билан ҳам



ўлчанади. Аждодлардан авлодларга мерос бўлиб келатган ноёб ашёлар ёки бугунги авлод ярататган гўзал буюмларга бир назар ташласангиз улар ўртасидаги меросий боғлиқликини кўрасиз. Буларнинг ҳаммасида марғилонликларнинг юксак қадриятлари, ҳунармандчиликка алоҳида эҳтиромлари намоеён бўлади.

Марғилон шаҳри билан боғлиқ араб тилидаги илк ёзма маълумотлар IX-X асрларда яшаб ўтган тарихчи олимлар Макдсий, Истахрий асарларида учрайди. Макдсий “Иқлимларни ўрганиш учун энг яхши қўлланма” асарига Фарғонада X асрда 40 та шаҳар ва 70 дан ошмиқ кишлоқ бўлганлигини кўрсатиб ўтади. У бу шаҳарларни 3 тоифага — Миёнрўдий, Нисия, Вағзи туркумларига ажратди. Нисия шаҳарлари орасида Кубо, Баранг, Ўш, Марғинон, Риштон, Баннат, Кент шаҳарларини келтириб ўтади. Истахрий эса Мар-

оркали ўтган. Айниқса, бу ерда ҳунармандчиликнинг ривож топиши уни савдо шаҳрига айлантирган. Машхур ёзувчи Абдулла Кодирийнинг “Ўткан кунлар” асари қахрамони Отабекнинг савдо ишлари билан айнан Марғилонга келиши ҳам бежиз эмас. Шаҳарнинг савдо йўлида жойлашиши унинг маданияти, санъати, илм-фани ривожланишига, водийнинг таракқиётга эришган гўзал кентларидан, қалъаларидан бирига айланишига хизмат қилган.

Амир Темур ва темирўйлар даврида Марғилон янада кенгайиб, обод шаҳарга айланган. Муаррихлар Соҳибқирон Амир Темурнинг бу шаҳарда мадраса ва масжидлар, маҳабатли иморатлар қурдиргани, мудоффа деворларини ниҳоятда мустаҳкам қилиб барпо эттирилгани ҳақида маълумот берадилар. Шу сабабли Жамол Қарши “Мулҳақот ас-суруҳ”, Заҳириддин Мухаммад Бобур “Бобурнома” асарларида

мавжудлиги ҳам исботлайди. Қўқон хонлиги даврида Марғилон шаҳри бир неча бор вайрон этилиб, қайтадан обод қилинди. У Туркистоннинг марказий шаҳарларидан бири сифатида донг таратди.

Марғилон тарихий обидалар, ёдгорликлар, мейморий иншоотларга бой шаҳар. XX аср бошларидаги архив маълумотларида шаҳарда XVIII-XX аср ораллигида бунёд этилган 50 дан ошмиқ мадраса, 250 дан ортиқ масжид, қўллаб миноралар, хонақолар ва 20 дан кўп мейморий иншоотлар бўлганлиги қайд қилинган. XIX асрда фотосуратларга муҳрланган Исмоил Махсум, Маткаримбек, Ер оталиқ, Қози қалон, Искандар пошша, Саид Аҳмад ҳожи, Шох Мансур номлари билан аталган обидалар ана шу тарихий ёдгорликларнинг бир қисми ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, истиснол йилларида юртимизнинг бошқа шаҳарларида бўлгани каби Марғилонда ҳам тарихий обидаларни, ёдгорликларни ўз асл ҳолида, тарихий кўринишига монанд тарзда қайта тиклашга киришилди. Хожа парсо, Ҳазрат бобо, Хожа Маоз, Улуғ мазор каби масжидлар, зиёратгоҳлар қайтадан қад ростлади. 2000 йилда улуғ аллома Бурхониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги халқроқ миқёсда нишонланиши муносабати билан шаҳарда бунёдкорлик, қурилиш ишларига алоҳида эътибор берилди. Унинг кунчиқар уфида улуғ аллома хотираси учун катта майдон барпо этилди. Гулларга қўмилган, фавворалар сув таратиб, атрофга гўзаллик бағишлаб турадиган майдоннинг марказида алломани дунёга машхур қилган “Ал-ҳидой” асари учун муҳташам ёдгорлик ўрнатилди. Юксак гўмбазли, исломий нақшлар билан безатилган баланд устуни, айвонли бу ёдгорлик шаҳарнинг ҳам тарихий, ҳам замонавий қиёфасига монанд тарзда яратилди. Туну кун одамларнинг оёғи узилайдиган бу маскан эндиликда Марғилоннинг тисмолига айланди.

дай илм аҳдларидан бири ҳақида “Имом Абдулазиз ибн Абдуразоқал-Марғиноний шу шаҳардан. Олтига ўғиллари бор эди. Ўғилларининг ҳаммаси олим ва солиҳ фарзандлардан бўлиб, мударрис ва фатво соҳиблари эдилар. Абдулазиз аз-Марғиноний олти ўғиллари билан чиқсалар, одамлар “Қаранлар, бир ховлидан 7 та муфти чиқди”, деб айтар эдилар”, деб ёзади. Албатта, Марғилондан бундай алломалар қўллаб етишиб чиққан. Шунинг учун Бурхониддин Марғиноний бобомизнинг асарига атаб барпо этилган бу майдон барча аждодларимиз хотираси эъзозланган маскан сифатида намоеён бўлади.

2005 йилда шаҳар ҳаётида яна бир катта, муҳим воқеа рўй берди. Мамлакатимиз Президентини ва халқроқ ЮНЕСКО ташкилотининг қарорлари билан Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйи дунё миқёсида нишонланди. Шу муносабат билан шаҳарда бунёдкорлик, қайта қуриш, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Юртбошимиз ташаббуси билан шаҳардаги энг қадимий иншоотлардан бири Бурхониддин Марғинонийнинг қадими теккан маскан — чиллахона деб аталган хонақо, мақбара ва масжиддан иборат ёдгорлик мажмуалари тўла қайта қурилди. Мажмуалар бағрида шарқона мейморий усулда безатилган айвонлар барпо этилди. Буларнинг бари қўқам, обод хиёбонга бирлаштирилди. Натижада шаҳар марказида унинг тарихини асл кўринишида намоеён этувчи ёдгорликлар мажмуаси юзага келди. Шаҳарнинг бошқа қисмидаги яна бир тарихий обида — Саид Аҳмад ҳожи мадрасаси ҳам асл мейморий тарҳига кўра қайта бунёд этилди. Бу ер Марғилоннинг миллий ҳунармандчилик марказига айланди. Булардан ташқари, шаҳарда улуғ шоира Жаҳон отин Увайсий уй-музейи ҳам барпо этилди. Тўй муносабати билан шаҳарда 20 дан ортиқ тарихий ёдгорликлар қайтадан таъмирланди.

Марғилоннинг тарихий қиёфаси асл ҳолида тикланди. Марғилонда замонавий шаҳарсозлик лойиҳаси асосида қўллаб янги иншоотлар бунёд қилинди. Давлатимиз раҳбари кўрсатмасига мувофиқ шаҳар марказида янги дехсон бозори қад ростлади. Барча талабларга жавоб берадиган бу бозор янги мейморий тарҳ асосида яратилди. Шаҳарнинг қарбий қисмида кенг кўчалар, хиёбонлар, кўкаламзор масканлар, обод гузар жойлар, мухташам ўқув юрталари ва бошқа иншоотларни ўз бағрига олган янги мавзе барпо қилинди. Бу ердаги ўқув масканлари замонавий асосда жиҳозланган. Замонавий ва миллий асосда қурилган тиббиёт коллежи биноси кўқамлиги, гўзаллиги, ўзига хос дизайни, ўқувчиларга яратилган имкониятлари билан бирорга олий ўқув юртидан қолишмайди. Бундай масканлар шаҳарнинг келажак рамзи ҳисобланади.

Болалар учун қурилган аквапаркда ёш

ВОДИЙ МАРВАРИДИ

ғилонни Мовароуннахрнинг ҳунармандчилик таракқи қилган гўзал ва катта шаҳри сифатида эътироф этади. XI-XII асрларда Марғилон хар жихатдан юксалган. Айниқса, Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида шаҳарнинг ўз ҳукмдорлари пайдо бўлган ва улар мустақил равишда тангалар зарб қилдирганлар. Шаҳар ниҳоятда кенгайган. Унинг атрофида қурилган илк мудоффа девори ўрнига ўн иккита дарвозалик янги мудоффа девори тикланган. Шаҳарда арк, шаҳристон, унинг атрофида рабодлар қад ростлаган. Муаррихлар бу даврни Марғилоннинг шаҳарсозликда гуллаб-яшнаган даври сифатида таърифлайдилар.

— Марғилон тарихий манбаларда савдо шаҳри сифатида ҳам тилга олинади. Жумладан, Макдсий ўрта асрларда Марғилонда 10 дан ортиқ бозорлар ва қарвонсаройлар бўлганлигини келтириб ўтади, — дейди Фарғона давлат университети доценти Эргаш Мўйидинов. — Бунинг сабаби бор, шаҳар водийнинг қоқ марказида жойлашган. Қўқондан Андижонга, Намангандан Қўқонга, Шовдан Ўшга, Ахсиқентдан Қубога борадиган йўллар ана шу шаҳар

“Марғилон — Фарғона мулкидаги энг обод ва гўзал шаҳар”, деб улуғлайдилар. Шаҳарнинг кенгайганлигини унинг бир неча дарвозали, мустаҳкам мудоффа деворига эга бўлганлиги, Жомеъ масжиди, миноралари, катта бозори ва ўйлаб қарвонсаройлари

— Хар гал шу майдонга келганимда буюқ бобоқолимизнинг тарихда қолдирган улуғ мероси, илм-фан ва ислом фалсафаси, ҳуқуқшунослиги асослари ҳақида яратган ўлмас асарлари кўз олдимга келди, — дейди фахр билан шоир Исмоил

Ҳунармандлар шаҳри истиқболи

Марғилоннинг бугунги миллий ҳунармандчилик соҳасида эришган ютуқларини кўраман десангиз, шаҳарнинг марказида жойлашган тарихий иншоот — Саид Аҳмад ҳожи мадрасасига келинг. Асл тарихи монанд қайта қурилган, таъмирланган бу бинонинг ўзи марғилонлик, фарғоналик, умуман, водийлик қўли гул ҳунармандларнинг бунёдкорлик ишларининг намунасида айланган. Бу ерда аждодларимизнинг ноёб мероси қайтадан тикланган. Мадрасанинг Марғилон миллий ҳунармандчилик марказига айлантирилгани унинг маданият маскани сифатидаги маъқеини янада оширди. Мадраса хоналарининг деворларида нақшчилик панжарали дарчалар ўрнатилган, шилари вассажуфт шаклида ишланган, айвонлари тоққалари, устуналари ёғоч ўймакорлиги, исломий нақшлар билан безатилган. Мадраса саҳнидаги ариқ устига ўрнатилган тиним билмайдиған бежирим чархпалак ҳаёт абадийли-

гидан дарак бераётгандек. Марказда шаҳар ҳунармандлари томонидан яратилган энг яхши буюмлар, ашёлар, матолар кўргазмага қўйилган. Улар орасида турфа хил дўппилар, табиий чармдан ясалган ўйлаб оёқ кийимлари, қуроқлардан нақш бериб тикланган кўрнаёстиклар, қўлда ясалган чолғу асбоблари, кўз олдингизда ял-ял товлянувчи заргарлик буюмлари, ипақдан тўқилган турфа матолар, газлачалар, матога гул солишда ишлатилдиган қолипларнинг хар хил намуналари, қандакорлар томонидан нақш тушириб ишланган патнислар, офтобалар ва яна бошқа қўллаб буюмлар ўрин олган. Марказда бу буюмлар кўргазмаси билан бирга-лиқда бюртмо асосида уларнинг савдоси ҳам йўлга қўйилган. Энг муҳими, марказ ёш ҳунармандлар учун мактаб вазифасини ҳам ўтказмоқда. Бу ерда ёш ийит-қизлар, болалар тури кабларни ўрганишмоқда. Кейинги

йилларида бу ерда гилам тўқиш, заргарлик, қандакорлик ҳунарларини ўрганишга эътибор янада кучайди. Марғилонлик ҳунармандлар тайёрлаган гўзал, бежирим, дингизга мос буюмларини, матоларини кўраман десангиз шаҳар кўчалари, бозорларидаги расталарни бир-бир айлангил. Ана шунда ниҳоятда қиройли, миллий анъаналар асосида тўқилган адрас, банарос, беқасам, атлас, шойи, духобаларнинг ўйлаб қиллари кўз олдингизда намоеён бўлади. Халқимизнинг ижодкорлиги, яратувчилигига тан берасиз. Уларни кўриб, бизга шундай имкониятларни яратиб берган мустақиллигимизга, озодлигимизга, бунёдкорлигимизга кўз тегмасин, дейман. Ҳунармандлар шаҳрининг келажаси бугунедан ҳам истиқболли бўлишига ишонман.

Улуғбек РАҲМОНОВ, халқ депутатлари Марғилон шаҳар Кенгаши депутати

Махмуд. — Аллома яратган асарлар нафақат ўз даврида, хатто бугунги кунда ҳам шарқ мамлакатларида, дунё миқёсида илмий тадқиқ қилинмоқда. Дунё қонуншунослигининг илмий асоси, деб эътироф этилмоқда. Ана шундай улуғ инсоннинг, алломанинг шаҳримиздан етишиб чиққанлиги хар биримизнинг қалбимизга ғурур бағишлайди. Биласизми, муаррихлардан бири Абдулқарим ас-Самъоний “Ал-Ансоб” асарига “Марғилон водийнинг машхур шаҳарларидан. Бу шаҳардан кўп илм ахли етишиб чиққан”, деб таъриф беради ва шун-

авлоднинг бугунги кундаги талаб-эҳтиёжларини қондириш учун барча шароитлар ҳисобга олинган. Ўйин майдонлари, сув хавзалари болаларнинг севимили масканига айланган. Умуман, шаҳар тўйи арафасида юқоридагилардан ташқари Ешлар хиёбони, Ёпик сув саройи, Амфитеатр, Болалар ижодиёт маркази, Тиббиёт коллежи, мактаблар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларни бунёд этиш учун 30 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Буларнинг ҳаммаси эндиликда Марғилоннинг янги, замонавий шаҳарсозлик қиёфасини намоеён этмоқда.

Марғилон шаҳрида бошланган бунёдкорлик, қайта қуриш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Хар бир кўча, маҳалла, мавзеда янги мухташам иншоотлар қад ростламоқда. Кўчалар кенгайтирилмоқда. Янги турар жойлар, савдо расталари, маший хизмат қорхоналари қурилмоқда. Буларнинг бари шаҳарнинг яшиллик оламига зиён етказмасдан, унинг қўрқига кўрк қўшган, замонавий қиёфасини шакллантирган ҳолда амалга оширилмоқда. Шаҳардаги Маъмуржон Узоқов номидаги истироҳат боғида ҳам кенг қўламда қайта қуриш ишлари бажарилди. Шаҳарнинг қарбий қисмида ёш оилалар учун янги турар жойлар барпо этилди. Бундай лойиҳадаги уйлар келгусида яна кўллаб қурилади. Ёхуд унинг ёнгинасидаги гўзал иншоот — санъат мактабининг мухташам биноси ҳисобланади. Унинг нафақат номи, ўзи ҳам ҳақиқий санъат қошонасига айланган. Марғилон шаҳри кўчалари бўйлаб юрсангиз хар бир қадамда ана шундай яратувчиликларга дуч келасиз. Ҳа, улуғ алломанимиз Мухаммад ал-Марғиноний Марғилонга берган таърифиди ҳақ. Бугун ўз бағрида ҳам ноёб тарихий ёдгорликларни, ҳам замонавий шаҳарсозликнинг гўзал намуналарини жамуллам этган бу шаҳар бунёдкорлик борасида нафақат Фарғона водийсининг, мамлакатимизнинг ҳам марваридига айланмоқда.

Суратлар муаллифи М.КОДИРОВ (Ўза)

Камол МАТЌУБОВ, “Adolat” муҳбири

Очиқ маълумотлар порталлари

давлат бошқаруви органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлайди

Давоми. Бошланғич 1-бетда

— Шухрат ака суҳбатимиз аввалида **Очиқ маълумотлар порталлари** нима эканлиги ва уни нисга туширишдан кўзланган мақсад ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

— Давлатнинг барқарор ривожланишида ҳукумат ва аҳолининг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Ўзаро ҳамкорлик, аввало, ахборот-маълумот алмашиш имкониятларидан унумли фойдаланишни таъминлаш керак. Ахборот, биринчи навбатда, ҳаётимизга таъсир қилувчи билим дегани. Шунинг учун ҳам давлат фаолиятига оид барча маълумотлар аҳоли турмуш тарзида муҳим аҳамият касб этиб келган. Маълумотларнинг чекланмаган миқдорда тақдим этилиши халққа унинг ичидан кераклик билимларни ажратиб олиш ва жараёнларга нисбатан муносабатини шакллантириш, ижтимоий ҳаётга киришиш имконини беради.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ягона тизимга уланган халқаро компьютерлар тармоғи — Интернет ва ундаги ўзаро боғланган гиперматри электрон ресурслар тизими — халқаро "ўргимчак тўри"нинг ривожланиши ҳукуматнинг фуқаролар олдидagi ҳисобдорлигини янгича усуллар ёрдамида таъминлаш имконини яратди. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, аҳоли учун зарур маълумотларни уларга ўз вақтида тақдим қилмаслик ва аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондирмаслик жамият тарихига жуда катта салбий таъсир ўтказиб, оқибатда "ахборот тақчиллиги" жамиятнинг инқирозига сабаб бўлиши мумкин. Айни шу омил Очиқ маълумотлар порталлари ишга туширилишига сабаб бўлган десак, янглишмаган бўламиз.

"Очиқ маълумот" — бу, бир қарашда ҳаммаси тушунарли, фойдаланиш мумкин бўлган маълумот. Бошқача айтганда, Очиқ маълумотлар порталларида кўп маротаба, эркин ва бепул фойдаланиш мақсадида машинада ўқиладиган форматда интернет тармоғида жойлаштирилган давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жойлаштирилади.

2015 йил 7 августда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган махсус қарорга асосан, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталларида жойлаштириладиган ахборотнинг шакллантирилиши, тарқатилиши ва фойдаланишига таъминлаш имконини яратди.

лумотлар порталларида жойлаштириладиган ахборотнинг ўз вақтида тақдим этилиши ва ишончлилиги учун шахсан жавоб бериши белгиланди. Қолаверса, давлат ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталларида эълон қилиниши масалалари бўйича масъул мансабдор шахс тайинланиши, фойдаланувчилар учун зарур маълумотларни тақдим қилиш ва ўзаро алоқаларни тартибга солиш механизмининг такомиллашган чоралари аниқ акс эттирилганлиги фуқароларнинг ахборот олиш ва уни тарқатиш, ахборотдан фойдаланиш каби конституциявий ҳуқуқлари янада кенг таъминланишига хизмат қилади.

— **Демак, Очиқ маълумотлар порталларида кўзланган асосий мақсад — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, шаффофлигини таъминлаш. Порталнинг фойдаланувчилар учун ижтимоий аҳамияти яна нималарда намоён бўлади?**

— Портал нафақат давлат бошқаруви органлари тизимининг очиқлигини таъминлашга,


"Адолат" СДП таъкидлайдики, демократик давлатнинг катта аҳамиятга молик институтларидан бири бўлган жамоатчилик назорати жамият билан давлатнинг самарали мулоқотини таъминлайдиган, фуқароларнинг қизиқишларини, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга муносабатини аниқлаб борадиган муҳим бўғинга айланиб бормоқда.

Партия ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш, аҳолини давлат органлари, биринчи навбатда маҳаллий ҳокимликлар фаолияти борасида маълумотлар билан кенг таъминлаш, бошқарувда ошқоралик, очиқлик ва ҳисобот бериб бориш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жалб этиш тарафдори.

(Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Сайловолди дастуридан)

балки иктисодиётга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Фаолиятининг асосий йўналиши очиқ маълумотлар базаларини яратиш ва тадқиқ қилиш ҳисобланган McKinsey халқаро институти мутахассислари олиб борган илмий излашлар натижаларига кўра, ривожланган мамлакатлар ҳукуматларининг фақатгина 7 та давлат секторига оид очиқ маълумотларни аҳолига бепул ва қулай йўлларда тақдим қилиши бир йилда давлат бюджетининг ўрта ҳисобда 3-5 триллион АҚШ долларини миқдоридagi маблағи тежаланишига олиб келар экан. Хусусан, биргина таълим соҳасига оид маълумотлар билан аҳолини бохабар қилиш ўртача 1 миллиард АҚШ долларини миқдоридa фойдаланишнинг зарурлигини таъминлаш имконини яратди.



лумотлар билан аҳолини бохабар қилиш ўртача 1 миллиард АҚШ долларини миқдоридa фойдаланишнинг зарурлигини таъминлаш имконини яратди.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида интернет тармоғида очиқ маълумотлар оқимини фаол шакллантираётган хусусий сектор вакиллари интернет-

жита олиб келувчи омилларга бағишланган йирик маълумотларни эълон қилган ва унинг ёрдамида интернет фойдаланувчиларнинг фикрларини ўрганишнинг зарурлигини таъкидлайди. Яна бошқача тоифа мутахассисларнинг фикрича, Очиқ маълумотлар порталлари маълумотларни бошқаруви билан осон ўртаклаштириш имкониятларини яратиши, фойдаланувчи фикр-мулоҳазасини ўрганиш функциясига эга бўлиши лозим. Шунингдек, унга жойлаштириладиган маълумотлар қайта ишлаш имконини берувчи форматларда бўлиши керак. Қўриб турганингиздек, фикрлар хилма-хил. Айни пайтда очиқ маълумотлар порталларида қандай маълумотлар шакллантирилиши кераклиги хусусида ҳар бир мамлакатнинг ўз услуби ва фикри мавжуд.

Ўрни келганда таъкидлаш лозим, Ўзбекистон Республикасининг Хукумат порталлари (www.gov.uz) доирасида фаолият кўрсатаётган Очиқ маълумотлар порталлари Биланшар Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган мезонларга мувофиқ давлат органлари ва уларнинг тизимидаги ташкилотлар тўғрисида маълумотлар, ваколатли давлат органларининг йиллик статистик кўрсаткичлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, уларнинг ҳудудий бўлиналарида мавжуд бўш иш ўринлари, мўайян фаолият тури учун руҳсатномалар реестрига оид қўйлаб маълумотларни ўзидa жамлаган. Қолаверса, порталда жойлаштириш учун тақдим этиладиган ахборот доллар, ишончли, яхлит бўлиб, давлат сирларини ёки қонун билан муҳофазаланган бошқа сирни ўз ичига олмайд.

Мисол учун, порталнинг «Бизнес» бўлимида юридик шахсларнинг ташкилий шакллари, нотариусларнинг реестри, лицензияланган фаолият турлари, банк хизматлари, савдо тартиб-таомиллари оид маълумотларнинг битта манбага жамлангани тадбиркорларнинг вақт ва маблағи тежаланишига ёрдам бермоқда.

Хукуматнинг мамлакатда очиқ маълумотлар тизимини такомиллаштириш юзасидан олиб борган ислохотларнинг иккита муҳим жиҳати бор. Биринчидан, жамоатчиликни очиқ маълумотлар билан таъминлаш ҳукумат фаолиятининг ошқоралигини ва фуқароларнинг жамият қурилишидаги кенг иштирокига, иккинчидан, тадбиркорлар ва фуқароларнинг ҳукуматга нисбатан ишончи ошишига хизмат қилади.

— **Юқорида очиқ маълумотларнинг аҳамияти ва бунда мавжуд таъриба хусусида сўз юритдингиз. Айтинг-чи, жаҳон ҳамжамияти томонидан Очиқ маълумотлар порталларининг намунали иловаси яратилганими? Мукамал Очиқ маълумотлар порталлари қандай бўлиши лозимлиги юзасидан қандай фикр ва мулоҳазалар мавжуд?**

— Жуда тўғри таъкидладингиз, энг мукамал очиқ маълумотлар иловаларини шакллантириш борасидаги баҳс-мунозаралар хали-хануз давом этмоқда. Айрим жамиятшунослар фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини химоя қилувчи, вақт ҳамда иктисодий чиқимларини камайтирадиган порталларни энг

Мухтасар айтганда, Очиқ маълумотлар порталлари мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар самараларини ўзидa акс эттирадиган, айни чоғда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтиришга хизмат қиладиган муҳим ахборот ресурси бўлиб, уни такомиллаштириш, бойитиш ва тарғиб қилишга ҳар биримиз масъулмиз.

якши деб ҳисобласалар, мутахассисларнинг бир қисми Очиқ маълумотлар порталлари ҳукуматининг аҳоли эҳтиёжларини ўрганишчи воситасига айланиши, шунингдек, улар асосан тадбиркорларга хизмат қилиши зарурлигини таъкидлайди.

Мисол учун, порталнинг «Бизнес» бўлимида юридик шахсларнинг ташкилий шакллари, нотариусларнинг реестри, лицензияланган фаолият турлари, банк хизматлари, савдо тартиб-таомиллари оид маълумотларнинг битта манбага жамлангани тадбиркорларнинг вақт ва маблағи тежаланишига ёрдам бермоқда.

Мухтасар айтганда, Очиқ маълумотлар порталлари мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар самараларини ўзидa акс эттирадиган, айни чоғда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтиришга хизмат қиладиган муҳим ахборот ресурси бўлиб, уни такомиллаштириш, бойитиш ва тарғиб қилишга ҳар биримиз масъулмиз.

— **Сухбатдош: Саодат СОДИҚОВА, «Adolat» мухбири**

Хуқуқий масъалалар

— **Аудиторлик ташкилотларини тугатиш қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади? Аудиторлик ташкилотини ихтиёрий тугатишда қонун ҳужжатларида имтиёзлар назарда тутилганми?**

А.Назаров, Тошкент вилояти

— Аудиторлик ташкилотларини тугатиш Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сон қарори билан тасдиқланган Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" ги қароридa аудиторлик ташкилотини ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан бошлаб ташкилотнинг молия-ҳўжалик фаолияти тўхтатилиши, шу муносабат билан ер солиғи, ягона ер солиғи, мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи ҳамда бошқа турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеняларни ҳисоблаб ёзиш тўхтатилиши белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, ушбу қарор билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандида муассислар (қатнашчилар) тадбиркорлик субъектини тугатишининг истагани босқичида фаолиятини тиклаш ва тугатиш жараёнини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эканлиги алоҳида норма сифатида қайд этилди.

Саволга Адлия вазирлиги масъул ходими Эркин ХОЛМАХМАТОВ жавоб берди.

— **Қишлоқда яшайман. Вақтинча ишсизман. Уйда ўтирган ҳолда тадбиркорликнинг қайси турини амалга оширсам бўлади? Шу ҳақида батафсил маълумот берсангиз.**

М.Самарова, Писхейт тумани

— **Хукуматимиз томонидан қишлоқ жойлардаги иш билан банд бўлмаган аҳолини уйда мажбулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ишларини бажаришга жўлаб этиш, фуқароларнинг ижтимоий ва меҳнат қарорлиқларини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмақда.**

Сизга жисмоний шахс сифатида уйингизда истиқомат қилган ҳолда тадбиркорликнинг қасаначилик шакли билан шугулланишни тавсия қилган бўлардингиз.

Касаначилик бу — тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ иш беришнинг буюртмалари бўйича товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш бўйича амалга ошириладиган фаолият ҳисобланади.

Касаначилик фаолияти жисмоний шахснинг яшаш жойида ёки унинг оила аъзоларига тегишли бўлган биналарда амалга оширилиши мумкин. Бунда турар жой биналарини нотурар жой биналар тоифасига ўтказиш амалга қилинмайди. Шу билан бирга, фаолиятини амалга ошириш учун рўйхатдан ўтиш талаб этилмайди.

Касаначилик билан 16 ва ундан катта ёшдаги жисмоний шахслар шугулланишлари мумкин. Меҳнат шартномаларига эга бўлган касаначилар иш билан банд бўлган аҳоли тоифасига киритилади ва уларга меҳнат дафтаридаги берилади. Касаначилик ишлаган вақти меҳнат стажига қўйилади.

Бундан ташқари, касаначи иш берувчи томонидан берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарлар фойдаланиш даврида мулк солиғидан озод қилинади. Шунингдек, касаначилар фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан текшириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш берувчи корхонани текшириш вақтида ўтказилиши мумкин.

Саволга Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходими Нодирбек МУҚИМОВ жавоб берди.

— **Шахсий автомобилни яқин танишимга мулк ижараси шартномаси асосида бермоқчиман. Давлат нотариал идорасига қайси ҳужжатларни тақдим этишим лозим бўлади? Бундай шартнома қанча муддатга тузилади, кейинчалик бекор қилиши мумкинми?**

Р.Муртозов, Дўстлик шаҳри


— Шахсий автомобилни яқин танишимизга мулк ижараси шартномаси асосида бермоқчи бўлсангиз, давлат нотариал идорасига қўйиладиган ҳужжатларни, жумладан, автомобилга бўлган ҳуқуқнинг тасдиқловчи ҳужжат (нусхаси қўйиб, асли қайтариб берилади), ижарага берилаётган автомобилнинг бошқа шахсга ўтказиш таъқиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги ҳақидаги маълумотини, автомобилнинг хотинингиз билан умумий биргаликдаги мулк бўлса, хотинингизнинг розилиги, сиз ва ижарага олувчи ўртасида тузилган мол-мулкни топшириш ва қабул қилиш даволатномасини тақдим этишингиз лозим.

Мулк ижара шартномаси шартномада белгиланган муддатга тузилади, агар мулк ижарасининг муддати шартномада белгиланмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга тузилади ҳисобланади. Бунда, тарафлардан ҳар бири бошқа тарафни бир ой олдин, кўчмас мулк ижарасида эса — уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, истаган пайтда шартномадан воз кечиши мумкин.

Саволга Дўстлик тумани ДНИ нотариуси Отабек ТЕМИРОВ жавоб берди.

РАҚОБАТ

Самарқанд вилоятидаги "Турон-банк" акциядорлик тижорат банки "Голд Азим инвест" корхонаси учун навбатдаги салмоқли кредит маблағларини ҳеч иккиланмай ажратишга қарор қилди. Боиси, мазкур тадбиркорлик субъекти тижорат банкининг молиявий кўмагида ўз ишлаб чиқаришини тинимсиз кўпайтиришга, янги иш ўринлари яратишга ва даромадлар миқдорини сезиларли даражада оширишга муваффақ бўлмоқда.



Вилоятдаги фермер ҳўжаликларида келтириладиган сутни қайта ишлашга мўлжалланган "Голд Азим инвест" кичик корхонаси банк кўмагида модернизациялаштирилган туфайли истеъмол бозорига фақат сифатли маҳсулот чиқармоқда. Буюртмачилар рўйхатида нафақат Самарқанд, балки

Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро сингари вилоятлар савдо шохбачалари ҳам борлиги корхона маҳсулотларига талаб кундан-кунга ортиб бораётганлигидан далolat беради.

— Газланган айрон, пишлоқ қаламчаларидан ташқари яқин орада истеъмол бозорига янгилик хисобланган совирилган қажвани кадоқлаб ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз, — дейди корхона раҳбари Тоҳир Атақурбонов. — Бу борада кимлар билан, қай тарзда ҳамкорлик қилиш мумкинлиги ҳақидаги зарур маълумотларни интернет тармоғидан олдик. Талаб этиладиган технология учун банк кредити тай-

Таъмини кўрингу тадбиркорга тасанно денг

ёр. Гап ишни тезроқ бошлаб янги маҳсулотни истеъмолчиларга манзур эта олишда.

Дарвоқе, самарқандлик тадбиркорнинг таъкидлашича, юртимизда озик-овқат захираларини кенгайтириш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш борасида салмоқли ютуқларга эришилмоқда. Бу эса, энг аввало, соҳада банд бўлган кичик бизнес корхоналарига яратиб берилган шарт-шаронглар ва молиявий қўллаб-қувватлашлар туфайлидир. Биргина "Голд Азим инвест"да ишлаб чиқаришни кенгайтириш натижасида ўрта янги иш ўрни яратилиб, бир неча ўн миллион сўмлик кўшимча маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди. Корхона мутахассисларининг таъкидлашларича, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари билан маҳсулот етказиб бериш бўйича тузилган шартнома мажбуриятларига бекум қўст амал қилиниши, тўлов интизоми пухта йўлга қўйилгани ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлиб, сифатни таъминлашда қўл келмоқда. Демак, ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигидан дастурхонимизнинг файзу баракаси янада ортади.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, «Adolat» мухбири

Qishloq Qurilish Bank

Тадбиркорлик — иқтисодиётнинг мустаҳкам таянчи

► МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Истиклол йилларида мамлакатимизда иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини ошириш, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантиришда банк тизимининг ҳиссаси ортиб бормоқда. Хусусан, банк маблағларини ҳудудлардаги ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш ва янги ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга йўналтириш “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки фаолиятининг асосий мезонига айланган.

Бугунги кунда “Қишлоқ қурилиш банк” АТБнинг 42 та филиали, 48 та мини-банк ва 186 та шохобчалари фаолият юритаётган бўлиб, улар орқали 690 мингдан ортиқ юридик ва жисмоний шахслар мақомидаги миқдорларга кенг қўламли банк хизматлари кўрсатилмоқда.

Маълумки, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжалиқларининг алоҳида ўрни бор. Жумладан, ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани, унинг тармоқларида жами sanoat маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилаётгани, иш билан аҳолининг 77 фоиздан ортиғи камраб олингани фикримизнинг яққол тасдиғидир.

ЮКСАЛИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН САРМОЯЛАР

Мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлашда ҳиссаси ортиб бораётган кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ ҳам салмоқли натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Жорий йилнинг январь-июль ойлари давомида кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар умумий қиймати 517,6 миллиард сўмни ташкил этди.

Банк филиаллари томонидан ҳисобот даврида аҳолининг фаол қисмига ўз бизнесини ташкил этишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида 152,0 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар йўналтирилди.

Мижозлар томонидан рақобатбардош, юқори сифатли озиқ-овқат ва ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва турларини кўпайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини истеъмол товарлари билан бойитиш, тайёр товарлар ишлаб чиқарувчи янги, маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни молиялаштириш мақсадида ҳисобот даврида банк томонидан 212,4 миллиард сўм кредит ажратилди.

— 1997 йилда ташкил этилган акциядорлик жамиятимиз Самарқанд вилоятининг Самарқанд тумани “Гулбод” кўрғонинда фаолият кўрсатади, — дейди “Самарқанд консерва” акциядорлик жамиятининг раҳбари Ботир Муратов. — “Қишлоқ қурилиш банк” АТБнинг Самарқанд минтақавий филиали миқдорларидан биримиз. Асосан консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланамиз. Ишни дастлаб бодринг ва помидор каби маҳсулотларини консервланган бошлаганимиз. Биз “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Самарқанд минтақавий филиалидан бир неча бор кредит олиб, кредит тўловларини ўз вақтида қайтариб, фаолиятимизни кенгайтириб келмоқдамиз. Жорий йилда ҳам ўз фаолиятимизни кенгайтириш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳамизни амалга ошириш мақсадида ушбу банкка молиявий ёрдам сўраб мурожаат қилдик. Тез кунда банк томонидан 807,9 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди. Кредит маблағини саба-

мумкин. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун жорий этилган имтиёзлар нафақат тадбиркорлар ва кичик бизнес вакилларига қўлайлик туғдиришда, балки турли дид ва талабга эга истеъмолчиларнинг талаби ўзинида ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар ҳисобига кондирлишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Халқаро андозалар талаблари даражасида ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйган тадбиркорларимизнинг маҳсулотлари аъло сифати ва мақбул нархи билан ҳам аҳолига маъқул келмоқда. Яшаш тарзи, фикрлаши, даромади ортаётган халқимизнинг иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш, илғор технологиялар билан жиҳозланган замонавий корхоналарни барпо этиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарасини халқимизнинг даромади, яшаш тарзи, хариддорлик қобилияти, ҳаёт сифати ҳамда турмуш фаровонлиги ортганида ҳам кўришимиз



нинг сервис хизматлари сифатига нисбатан талаби ҳам ўзгариб бормоқда. Мухими, бундай юқори даражадаги сервис хизматларининг аксарияти республикамизнинг четка ҳудудларида йўлга қўйилиши қишлоқ аҳлига ҳар томонлама қўлайлик туғдиришда. Жумладан, “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ жорий йилнинг 7 оқи давомида 47,1 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари билан республикамизнинг қишлоқ жойларида сервис хизматлари ташкил этилишига ҳисса қўшди.

КЎРКAM VA ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР — БУНЁДКОРЛИК НИШОНАСИ

Маълумки, кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли

Банк томонидан жорий йилнинг етти оқи давомида бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди. 2016 йил 31 июль ҳолатига кўра “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан молиялаштирилаётган 8512 та уй-жой қурилишига жами 1304,3 миллиард сўм миқдорда, шундан 483,8 миллиард сўми аҳоли маблағлари, 820,7 миллиард сўми имтиёзли ипотека кредит маблағлари йўналтирилди. “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниясининг махсус ҳисоб рақамларига пулдар ташкилотларини молиялаштириш учун ўтказиб берилди.

— Уч йил аввал “Қишлоқ қурилиш банк” АТБнинг Фарғона минтақавий филиали томонидан ажратилган имтиёзли ипотека кредити ҳисобига Фарғона вилояти Фарғона тумани Маъналий маҳалласида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойлардан бирини олгандик,

— дейди банк миқдори Раҳимжон Қўчқоров. — Ипотека кредитининг тўловларини, бизга берилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда, ўз вақтида тўлаб бораёмиз. Намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойларнинг қатор афзалликлари бор, яратилган маъналий шароитлар барча оила аъзоларимизга, айниқса, аёлларимизга жуда маъқул келмоқда. Уйимиз тоза ичимлик суви билан, табиий газ, электр энергияси билан таъминланган. Янги массивнинг барча аҳолиси ижтимоий хизмат объектлари, тиббиёт ҳамда ўқув муассасаларининг яқин жойлашганлигидан мамнун бўлмоқда. Шундай шинам, кўркам ва барча қўлайликларга эга уй-жойда яшашдек оғушимиз ушлаганидан беҳад мамнунимиз. Қишлоқ жойларда қишлоқ аҳолиси учун ҳам шаҳардаги каби барча шароитлар муҳайё қилинган.

Ушбу уй-жойлар қурилишини молиялаштириш мақсадида хорижий молия институтларининг маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Жумладан, Ислон тараққиёт банкнинг 20,7 миллион АҚШ доллари миқдордаги маблағлари 2016 йил дастури бўйича Тошкент вилоятида қуриладиган 315 та уй-жойлар учун йўналтирилиши кўзда тутилди ва ҳисобот даврида 28,94 миллиард сўмлик, яъни 10,73 миллион АҚШ доллари миқдордаги маблағлар тўққиз ўзлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 июнда қабул қилинган “Саудия тараққиёт жам-

Апрель ойида “BankExpo-2016” IX миллий кўргазмаси натижаси бўйича “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ “Кичик бизнес субъектларининг инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк” номинацияси ғолиби, деб топилди.

жойлар қурилиши индустриал базасини янада ривожлантириш ва маҳаллийлаштириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарорига асосан, 2016 йил республикамизнинг 151 та қишлоқ туманларида жойлашган 300 та ер массивларида умумий майдони 1823,7 минг кв. метр бўлган 2450,5 миллиард сўмлик 13000 та уй-жойлар қурилиши режалаштирилган.

Оқоридаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида қишлоқ жойларда 2016 йилда қуриладиган 13 000 та уй-жойларнинг 8512 таси “Қишлоқ қурилиш банк” иштирокида молиялаштирилиши кўзда тутилган.

фармаси иштирокида “Қишлоқ жойларда тураржой қурилишини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича дастлабки чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, Саудия тараққиёт жамғармасининг қарз маблағлари ҳисобига Ҳоразм вилоятининг қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги 959 та замонавий уй-жой қурилишини молиялаштириш белгиланди. Ушбу қарорнинг ижроси доирасида, 2015 йил 28 июлда Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Саудия тараққиёт жамғармаси ўртасида 30,0 миллион АҚШ доллари миқдо-

рида Қарз Келишуви имзоланган бўлиб, бугунги кунда, шундан 15,2 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ўзлаштирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 25 февралда қабул қилинган “Саудия тараққиёт жамғармаси иштирокида “Қишлоқ жойларда тураржой қурилишини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, Саудия тараққиёт жамғармасининг қарз маблағлари ҳисобига Қорақалпоғистон Республикаси-

Янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектлари, оилавий тадбиркорлар ҳамда касаначилик фаолияти билан машғул миқдорларнинг бизнес-режалари ҳам банкнинг 26,3 миллиард сўмлик микрокредитлари йўналтирилишига муносиб, деб топилди.

РЕАЛ СЕКТОРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖИ ДЕМАКДИР

Жорий йилнинг ўтган даврида банк томонидан ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан бо-

Май ойида “Moody’s Investors Service” халқаро рейтинг агентлиги банк рейтингини тасдиқлади: Контрагент рискини баҳолаш рейтингини — В1/NP, хорижий ва миллий валютадаги депозитларнинг узоқ муддатли рейтингини — В2/NP, банкнинг барча рейтинглар прогнози — “БАРҚАРОР” деб баҳолади.

нинг қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги 668 та замонавий уй-жой қурилишини молиялаштириш белгиланди.

Ушбу қарорнинг ижроси доирасида, 2016 йил 12 майда Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Саудия тараққиёт жамғармаси ўртасида 30,0 миллион АҚШ доллари миқдорда Қарз Келишуви имзоланган бўлиб, жорий йилнинг 31 июль ҳолатига, шундан 9,4 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ўзлаштирилди.

БУГУНГИ КОЛЛЕЖ ЎҚУВЧИСИ — ЭРТАНГИ ИШ БЕРУВЧИ

Мамлакатимизда қамол топаётган ёш йилгит-қизларимизнинг ижтимоий шаклланиши, уларнинг иқтидори, салохиятини кенг миқёсда намоён этиши, ўз тапаббурларини амалда татбиқ эта олишига шароит яратиш

лик инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш, шу билан бир қаторда, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани янада ривожлантириш, хусусан, қишлоқ жойларда замонавий уй-жойларни барпо этиш билан боғлиқ фаол тадбирлар олиб борилди.

Банк томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари фаолиятини кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш мақсадида 2016 йилнинг ўтган етти оқи давомида 173,8 миллиард сўмдан ортиқ инвестиция кредитлари ажратилди.

2016 йилнинг 31 июль ҳолатига иқтисодиётнинг барча устувор тармоқларида фаолият юритувчи хўжалик субъектларининг қўллаб-қувватлаш лойиҳалари молиялаштирилди. Жумладан, sanoat соҳасининг



масаласига давлат сибсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Бинобарин, ёш оилалар, касб-хунар коллежи битирувчилари ва хотин-қизларни ҳуқуқий, моддий ва маънавий химоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш давлат, жамоат ва фуқаролик жамияти институтлари билан бир қаторда юртимизда фаолият юритаётган молия муассасалари, шу жумладан, “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ фаолиятининг бош тамойилларидан бири ҳисобланади.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган етти оқи давомида банк томонидан ёш оилаларга маънавий техника харид қилиш учун 3,1 миллиард сўм миқдорда истеъмол кредитлари ҳамда 40,2 миллиард сўм миқдорда ипотека кредитлари, касб-хунар коллежи битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятлари билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун 13,1 миллиард сўм миқдорда имтиёзли микрокредитлар, хотин-қизларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбиркор аёллар раҳбарлик қилаётган хўжалик субъектларига 76,4 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

37,0 миллиард сўмлик, қишлоқ хўжалигининг 11,4 миллиард сўмлик, транспорт ва коммуникация соҳасининг 17,7 миллиард сўмлик, қурилиш соҳасининг 29,5 миллиард сўмлик, моддий-техник таъминот ва маънавий хизмат кўрсатиш соҳасининг 41,6 миллиард сўмлик ҳамда бошқа секторларда фаолият юритувчи субъектларнинг 36,6 миллиард сўмлик лойиҳаларига инвестиция кредитлари йўналтирилди.

Банк томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган дастурлар ижроси доирасида ҳам фаол иш ташкил қилинган. Жумладан, “Республика ҳудудларини 2013-2016 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури”га асосан 2016 йилнинг ўтган етти оқи давомида “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ томонидан хизмат кўрсатиб келинаётган корхоналарнинг жами 483 та лойиҳалари амалга оширилиши белгиланган эди. 2016 йилнинг 31 июль ҳолатига жами 3272 та янги иш ўринлари яратилишини назарда тутувчи 487 та лойиҳага “Қишлоқ қурилиш банк” АТБнинг 38,6 миллиард сўмлик кредитлари ажратилиши таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, “Қишлоқ қурилиш банк” АТБнинг 2016 йилнинг биринчи ярми давомидаги фаолиятида ўтган йилларда қўлга киритилган ижобий тенденциялар изчил давом эттирилишига эришилди. Банк эришаётган натижалар мисолида ҳам халқаро ташкилотлар ва таҳлилчилар эътироф этаётган мамлакатимиз банк тизимининг барқарорлик кўрсаткичлари тасдиғини кўриш мумкин.

Доктор Мустафо ОБЕЙД:

“Юртингизга ҳавасим келади”

ТИББИЁТ

Истиқлол шарофати билан ҳаёт ўзгарди. Бир пайтлар қўлимизни қанчалик чўзмайлик етмаган, саробдек туюлган нарсаларга эришиш бугунги кунга келиб оддий ҳолга айланди.

Қатор соҳаларда бўлган каби, тиббиёт тизимида ҳам катта ўзгаришлар кўзга ташланди. Жумладан, кўп йиллардан буён оғир хасталикка чалиниб, чет элларда ўзини даволатишга қурби етмай армон билан яшаётган минглаб беморларнинг орзулари ушалиб, улар ўзимизда, ўз юртимизда даволанмоқда.

Энг сўнгги рўсумдаги замонавий аппарат ва тиббиёт воситалари билан жиҳозланган, барча қулайликларга эга бўлган шифохоналарда юқори малакали тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатмоқда. Шу билан биргаликда чет эллардан тажрибали шифокорлар юртимизга таклиф этилиб, мураккаб хасталикларнинг даволашда юрдошларимизга елкадош бўлишмоқда. Республика шифолиқ тез тиббий ёрдам илмий маркази бўлиб, Украинадаги Н.М.Амосов номидаги юрак-қон томир жарроҳлик институтида ҳам ўқиб, ҳам ишлаб кардиолог шифокорларнинг кунт билан эгаллагани. Ўз орзу-мақсади йўлида тинимсиз интилган йилларда унинг омади қўлиб бокди. Бир куннинг ўзида бир нечта беморни муваффақиятли операция қилишнинг уддасидан чиқа оладиган моҳир жарроҳ бўлиб етишди, эл-юртга танилди. Тақдир уни Ўзбекистон билан боғлади. Доктор Мустафо Обейд ҳозир илмий марказда бош кардиолог сифатида фаолият юритмоқда.

Юксак салоҳият эгаси ўзи билан ёнма-ён ишлаб, излашиб, интилаётган, нозик операцияларга дадил қўл ураётган ўзбек кардиологларининг маҳорати охиб бораётганидан қувонади. — Марказда иш бошлагач, доимий юксалишдаги, ўзига хос ва мос тараққиёт йўлидан дадил



чет эллик шифокорлар улар билан ёнма-ён ишлаб, ўзбек кардиологларининг фаолиятига муносиб баҳо беришмоқда. 2013 йили Республика шифолиқ тез тиббий ёрдам илмий маркази раҳбарияти 37 ёшли ливанлик доктор Мустафо Обейдни шартнома асосида ишга таклиф этиб, мураккаб операцияларни амалга оширишни йўлга қўйди. Қаҳрамонимиз 2004 йили Киев тиббиёт институтига муваффақиятли тугатган. Украинадаги Н.М.Амосов номидаги юрак-қон томир жарроҳлик институтида ҳам ўқиб, ҳам ишлаб кардиолог шифокорларнинг кунт билан эгаллагани. Ўз орзу-мақсади йўлида тинимсиз интилган йилларда унинг омади қўлиб бокди. Бир куннинг ўзида бир нечта беморни муваффақиятли операция қилишнинг уддасидан чиқа оладиган моҳир жарроҳ бўлиб етишди, эл-юртга танилди. Тақдир уни Ўзбекистон билан боғлади. Доктор Мустафо Обейд ҳозир илмий марказда бош кардиолог сифатида фаолият юритмоқда.

Юксак салоҳият эгаси ўзи билан ёнма-ён ишлаб, излашиб, интилаётган, нозик операцияларга дадил қўл ураётган ўзбек кардиологларининг маҳорати охиб бораётганидан қувонади. — Марказда иш бошлагач, доимий юксалишдаги, ўзига хос ва мос тараққиёт йўлидан дадил

бораётган Ўзбекистон, унинг кўпмиллатли бунёдкор халқи тўғрисидаги фикрларимиз янада бойишти, — дейди доктор Мустафо Обейд. — Мамлакатимизда озодлик ободликка йўл очди. Юрт гуллаб-яшнади. Халқнинг кўп асрлик азалий орзулари рўёбга чиқиб, турмуши фаровонлашди, ҳаёт даражаси яхшиланди. Тинч-осойишта, эмин-эркин яшаётган ҳар бир фуқаро бугун мустақиллик шарофатини, истиқлол қадрини яхши билди. Мен ҳам ана шу эркин ҳаёт туйғуларига бўлиб қўйилганман. Унинг бир-биридан қолмайдиган мунавар тонглари интилик билан қарши олаётганман. Чунки шу кун мамлакатнинг қайси бир қишлоқида қандайдир янгилик рўй беради, кўнглим қувонч бағишловчи хушхабарлар янграйди. Бу тоғли лаҳзалар кунларга, туңларга уланиб, азиз ва муқаддас юрт — Ўзбекистонга бўлган меҳрининг оширади. Яқин ўтмишда санокли давлатларига билган бу мамлакатни бугун бутун дунё танийди. Қатор соҳалар бўйича ўтказилаётган халқаро рейтингларда Ўзбекистон олдинги ўринларини эгаллаб келаётгани бежиз эмас. Гўзал ва бетакор юртингизга ҳавасим келади.

Доктор Мустафо Обейд ҳозир Республика шифолиқ тез тиббий ёрдам илмий марказининг энг ишончли кардиологларидан бири. Бугунча у 400 тадан ортик мураккаб юрак операциясини амалга оширди. Бу операцияларнинг 90 фоизи юрак ишлаб турган ҳолатда бажарилди, 10 фоизи эса сунъий қон айланиш аппарати ёрдамида амалга оширилди. Инсон организмнинг юрак соҳасидаги аорта ва тож томирларини шунтлаш, юракдаги тузма ва ортирилган нуқсонлар ҳамда юрак жароҳатларини бартараф этишга хизмат қилаётган бу ноб операцияларнинг ҳар бири соғлом ҳаётга қайтган юрдошларимизга, уларнинг оила-сига олам-олам қувонч олиб кирди.

— Хасталикдан силлам қуриб, куч-қувватдан қолиб бораётган пайтда Республика шифолиқ тез тиббий ёрдам илмий марказида мураккаб юрак операциялари ўтказилаётгани хақида эшитиб қолдим, — дейди Избоскан агросаноат бўғлининг меҳрининг оширади. Яқин ўтмишда санокли давлатларига билган бу мамлакатни бугун бутун дунё танийди. Қатор соҳалар бўйича ўтказилаётган халқаро рейтингларда Ўзбекистон олдинги ўринларини эгаллаб келаётгани бежиз эмас. Гўзал ва бетакор юртингизга ҳавасим келади.

Доктор Мустафо Обейд ҳозир Республика шифолиқ тез тиббий ёрдам илмий марказининг энг ишончли кардиологларидан бири. Бугунча у 400 тадан ортик мураккаб юрак операциясини амалга оширди. Бу операцияларнинг 90 фоизи юрак ишлаб турган ҳолатда бажарилди, 10 фоизи эса сунъий қон айланиш аппарати ёрдамида амалга оширилди. Инсон организмнинг юрак соҳасидаги аорта ва тож томирларини шунтлаш, юракдаги тузма ва ортирилган нуқсонлар ҳамда юрак жароҳатларини бартараф этишга хизмат қилаётган бу ноб операцияларнинг ҳар бири соғлом ҳаётга қайтган юрдошларимизга, уларнинг оила-сига олам-олам қувонч олиб кирди.

Бир сўз билан айтганда, илмий марказнинг доктор Мустафо Обейд бошчилигидаги қўли энгил кардиологларни кўплаб хаста кўнглиларга малҳам бўлиб, эл раҳматини олмақда. Зеро, шифокорлик шундай шарафли ва олижаноб касб.

лан пойтахтга йўл олдим. Текширувлардан ўтиб, шифохонага жойлашдим. Доктор Мустафо бошчилигидаги кардиологлар иштирокида ўн соатта яқин олиб борилган мураккаб операция туйғули ҳаётим сақлаб қолиди. Улардан бир умр миннатдорман...

Қорақалпоғистонлик Шокир Тиллаев, бухоролик Мунира Ҳамдамова, марғилонлик Собиржон Абдурахимов каби юзлаб беморлар ҳам бугун тиббиётнинг кудратини, шифокорларнинг меҳр тафтини ҳис этишмоқда. Профессор Алиназар Хожиметов улуг ёшида шу шифокорлардан нажот топди. Оғир операция ва муолажалардан сўнг анча тетиклашган физик олим Соғлиқни сақлаш вазирлигига хат йўллаб, доктор Мустафо Обейд бошчилигидаги кардиологларга миннатдорлик изҳор қилди.

Доктор Мустафо Обейд маҳаллий кадрлар — кардиолог Абдусалом Абдурахимов, Ойбек Машрапов, Нодир Рахимов, даволоччи кардиолог Уллубек Ганиевлар билан яқиндан иш олиб бориб, янги муолажалар, мураккаб операциялар устида ишланмоқда. Уларга кардиологларнинг нозик сирларини астойдил ўргатишти.

Яқинда илмий марказда кардиологларнинг халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Унда 20 дан зиёд мамлакат вакиллари иштирок этди. Марказнинг ёш кардиологларининг ҳам анжуманида ўзларининг кизиқарли ва янгиликларга бой маърузалари билан қатнашиб, иштирокчилар эътиборини тортишди. Анжуман доирасида бир неча жарроҳлик амалиётлари амалга оширилди. Жумладан, бу жараёнда шейшариялик профессор Паул Фогт доктор Мустафо Обейд билан мастер-класс операцияларини ўтказиб, кўнгликнинг эътирофи сазовор бўлишди.

Рустамжон АҲМАДАЛИЕВ,
«Adolat» муҳбири

ИНШОЛАР ТАНЛОВИГА

Ватанни болаликда бошқача ҳис қилариз. Улғайган сари бизнинг бу ҳис-туйғуларимиз янада тиниқлаша бошлайди. Савол бера бошлаймиз: Ватан ўзи нима? Нима учун бу қутлуг ва азиз сўзни айтганда бутун юрагимизни, бутун вужудимизни ёқимли меҳр чулғаб олади? Она ва фарзанд ўртасидаги меҳру муҳаббат каби мустақам ришта жон ила боғлангандай. Шуларни ўйлаганда, Ватанни онага қиёсланиши бежиз эмас экан-да, деймиз беихтиёр.

ЎХШАШ ИЎҚ, БУ ГЎЗАЛ БЎСТОН

Ўзбекистон. Ҳар фасли ўзгача тароватли ва бир-биридан гўзал, осмон мусаффо, замини саховатли, қуёшли ўлка, ризқ-рўзи зиёда юртим.

Яна савол кўнглида такрорланади: Ватаннинг таърифи бормикан ўзи? Ростини, изоҳлолмаيمان. Мунисим, мулозим чехрали онам, кадрдон ва меҳрибоним отам, болалигимда бизлар соясида ўйнаган боғлар, дарактлар, ариқлар кўзим ўнгига келади. Жамбилу райхон иси урилади димоғимга. Ёз кунларида челақлаб сув сеппилган шинам ховлидан кўтарилган намхуш, ёқимли ҳаво... Чор тарафдан эшитилган қўни-қўшниларнинг суҳбатлари, туну кун биз қараб тўймаган осмон, чопқиллаб тинмаган ер.

Ватан нима эканини сўраган юракка унинг ўзи жавоб эмасми? Ҳа, ўйлаб қарасам, у менинг юрагим экан.

Томирларимга ҳаёт бағишлаб, умидимни порлатиб, эртанги икболимга ундаб турган юрагим экан Ватан! Унда гўлиб-тошган меҳрдан бошланади аслида Ватан...

Мустақиллик бизга ана шундай неъматларни тухфа этди. Биз бағрида яйраб ўсаётган юртимизни чин юракдан севадим, унинг онадай меҳрибонлигини ҳар қуни, ҳар лаҳза ҳис этамиз, унга меҳримиз ортади. Фарзанд улғайиб қамолга етгач, ота-онанин эъозлайди, оғирини энгил қилиб, ниманики яқин кўрса, шу нарсаларни бу азиз инсонларига муҳайё қилгиси келади. Доим ширин, меҳрли сўзларини улар учун атайди, амайдди. Уларнинг дилини оғритмайди, ҳимоя қилади. Ватанга муносабатимиз ҳам шу гўзал ҳаётини мисолга ўхшайди аслида. Ота-она фарзандини жонидан ортик кўрганидай фарзандлар ҳам ота-онага худди шундай меҳр-оқибат, муҳаббат ришталари билан боғланган. Ватан ҳар бир инсон учун ягонадир, тупроғи муқаддас. Бу тупроқ учун қанчадан-қанча аждодларимиз жонини тиккан ахир! Юртимизнинг ҳар бир қарич ери бебаҳо. Шпор ёганидек:

*Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон
Достонларда битган гулистон
Ўзбекистон дея аталур,
Уни севиб эл тилга олур.*

Мустақиллик бизга бебаҳо неъматлар, кенг имкониятлар берди. Бетакор замин — Ўзбекистонимизнинг жаҳон билан бўйлашиб мисли қўрилмаган ютуқларни қўлга киритаётгани, унинг обрў-эътибори юксалиб бораётгани барчамаизнинг ютуғимиздир. Бу ҳам бўлса, биз энг улуг, энг азиз неъмат деб атаган мустақилликнинг тухфасидир.

Халқимизда “Она юртинг омон бўлса, рангу рўйинг сомон бўлмас”, “Булбул чамани севад, одам Ватанни” каби мақоллар бежиз айтилмаган экан. Бу теран ва ҳаётини исботини топган нақллар ҳар биримизни Ватанимизга қадрлашга ўргатади, сабоқ беради. Ватанни қадрга етмасдан, хорижда сарсон бўлиб пушаймонликда, доғда қолганлар бугун ҳам йўқ эмас. Сўнгги пушаймонликда не фойда, халқ нақллари нинг мағзини қакчиб, ўз вақтида амал қилиш керак.

Шундай, Ватан ҳамма нарсадан азиз, инсоннинг бахти, осойишталиги шу азиз Ватан туйғусига мангу муҳрланган.

“Биз буюк юрт фарзандларимиз!” Буни ўзларига шпор қилиб олган ўзбек ёшлари бугун бутун жаҳон бўйлаб юртимиз доғруғини дoston қилмоқда. Иқтидоримни намоян қилган, Ватан равақига ҳисса қўшман деган ҳар бир ёшга барча имкониятлар эшиги очик, барча шароитлар яратилган.

Ватан, мен сенинг кизингман! Бахтим, орзу ва умидларим қамоли сен билан. Юрагим, қалбим сенга бахшида. Кундан-кун юксалиб бораётган кадр кимматининг, обрў-эътиборинг менинг ифтихоримдир.

Мафтун ШОДМОНҚУЛОВА,
**Янгиер тиббиёт коллежи даволаш
иши йўналиши ўқувчиси**

ЭЪЛОН

Ҳурматли юрдошлар!

Жорий йилнинг 15 август куни соат 11:00 да Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси мажлислар залида Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан ҳамкорликда “Куч — адолатда” номи партиявий лойиҳа доирасида **“Адвокатлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари: муаммо ва ечимлар”** мавзусида кенгайтирилган давра суҳбати ўтказиш режалаштирилган.

Юртимизда фаолият юритаётган ҳуқуқшунослар ва тadbир мавзуси қизиқиш уйғотган барча газетхонларни давра суҳбатига таклиф этамиз!

Мурожаат учун телефон: (+99893 400-99-68)

ХУРМАТЛИ ЮРДОШЛАР!

«АСАКА» БАНК

яқинлашиб келаётган «Мустақиллик қуни» байрами муносабати билан миллий валютада қўйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«МУСТАҚИЛЛИК-25»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, “Асака” банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги омонатларни қўлай шартларда таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёригизда!
- микдори чекланмаган!

«Асака» банк сармомиянинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган